Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 194 (20. 461) • 1989 йил 23 август, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

• Сўз—ғўза парвариши илғорларига

Ҳосил тақдирига масъулмиз

Об-ҳавонинг инжиқлиги ва йилнинг қандай келишидан қатъи назар кўзланган даражада мўл ҳосил етиштириш деҳқонга, унинг матонатли меҳнатига боғлиқ. Баҳорда рўй берган табиий офат чўлқуварларимиз иродасини катта синовдан ўтказди.

Мавжуд 4 минг гектар ернинг 3800 гектаридаги ниҳолларни совуқ урганлиги туфайли қайта чигит экишга тўғри келди. 8, 9 майда қаттиқ дўл, жала ёғиб, 1800 гектар ердаги чигит яна бузиб экилди. Ниҳоллар эндигина ниш кўтарганда илдиз чириш касали пайдо бўлди. 14—15 майда 300 гектар ердаги ниҳол бузиб қайта чигит қадалди.

Шундай пайтда киши саросимага тушдими, гангиб қолиши ҳеч гапмас. Шунинг учун ақл билан иш тутмоқ зарур. Буни биз 7 та агроучасткага уюшган 16 та агромеханизациялашган бригада ва 135 та звено аъзоларига яхшилаб уқтирдик. Экиш даврида 77 та сеялка юксак унум билан ишлатилди. Культиваторлар кучидан ҳам тўлиқ фойдаланиш, экинга кенг ва чуқур комплекс ишлов бериш орқали унинг ривож олишини тезлаштириш тадбирларини белгиладик.

Ўсимликка ишлов бериш жуда нозик иш. Биз мутахассислар билан маслаҳатлашиб, ҳар культивация оралиғини 10 кун белгиланганмиз. Ҳозиргача барча майдондаги экин тўрт марта комплекс ишловдан чиқарилди. Керагича минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди. Очиғини айтганда экиннинг ривожи бир ой орқада эди. Мунтазам ишлов бериш орқали буни 15 кунга қисқартиришга эришдик. Шунинг учун ҳам ғўзамизнинг ривожи яхши.

Ғўзанинг қўркига маҳлиё бўлиш сира мумкин эмас. Баъзи жойларда эҳтиёткорлик билан иш тутилмаса, ўсимлик ғовлаб кетиб ҳосил боғламаслиги мумкин. Август ҳосил тўплашда зарбдор ой. Бу даврда ғўзани суғоришга алоҳида эътибор керак. Агар экин чанқатиб қўйилса, мўл ҳосилдан умид қилиш қийин. Биз ғўзани калта ўқ ариқлар олиб суғоряпмиз. Бу ишга 680 нафар тажрибали сувчи жалб қилинган. Элбек Аваэов, Нурали Жуманазаров, Қўрғон Тоғаймуродов, Темир Элмуродовлар бошлиқ агроучасткаларда суғориш сифатига алоҳида эътибор берилмоқда.

Деҳқонларимиз табдиркорлиги натижасида далаларда яхши ҳосил тўпланмоқда. Ҳар тупда 10—12 тадан кўсак, кўплаб гул ва шоналар бор. Шу кунларда экин парваришини бўшаштирмаган ҳолда ҳосил йиғим-теримига ҳам пухта тайёрланяпмиз. Ишчи кучи кам бўлган чўл шароитида 90 процент ҳосилни машиналар ёрдамида жамғариб олишни мўлжаллаганмиз. Ҳозир 110 та терим агрегати мавсумга тахтланяпти.

Маълумки, йиғим-терим тақдири механизаторларга боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб совхоз дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ёшлар ҳисобидан механизаторлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор беришмоқда. Ғанишер, Аъзамқул, Ботир, Зокир ва Омонжон Илёсовлар, Шоди, Шоим, Узоқ Андақовлар, Асқар, Аҳмад, Барот Бобоқуловлар, Бобомурод, Нурмамат, Комил Жуманазаровлар бошлиқ оилавий механизаторлардан иборат йиғим-терим звенолари туздик.

Чўлқуварларимиз қалбини тўлқинлантириб турган баъзи муаммолар ҳам бор. Кўп жойларнинг ер ости суви кўтарилмоқда. Бу келгусида ҳосилдорликни оширишга салбий таъсир кўрсатади. «Каршистрой» бошқармаси 57 километрли ёпиқ дренажни қурмаган.

Пахтакорлар учун уйжой қурилиши ҳам талаб даражасида эмас. 150 оила ҳали ҳам баракларда яшаяпти. Шунингдек аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатиш сифати паст. Магазинларда харидоргир уй-рўзғор буюмлари, болалар кийим-кечаклари йўқ ҳисоби.

Амир ТУРАЕВ,
Қарши даштидаги Беруний номли 33-совхоз директори.

Ўрим қизғин

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Ангор районидаги «Таллимарон» совхозида маккажўхори ўримига киришилди. Механизаторлар экинни тезроқ йиғиштириб олиш мақсадида астойдил меҳнат қилишаётир.

Хўжалик пахтачилик учун ихтисослаштирилган бўлиб, 2625 гектар майдонда «оқ олтин» етиштириб келмоқда. Бу йил совхоз деҳқонлари 252 гектар ерга маккажўхори экишди.

Маккажўхорикорлар 208 тонна дон, шунингдек, 3500 тонна маккажўхори силоси тайёрлашга аҳд қилишган.

Суратларда: 1. Маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи Гулбой Йўлдошев. У бошчилик қилаётган коллектив 50 центнердан маккажўхори дони олишни мўлжаллаб турибди. 2. «Таллимарон» совхозида ўрим пайти.

И. ХУЖАЕВ суратлари (ЎзТАГ).

Дунё овози

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМ

1944 йилнинг август кунларида Совет Армиясининг Ясси — Кишинев операцияси чоғидаги музаффар ҳужуми натижасида Руминия территориясида фашист қўшинларининг йирик гуруҳи қуршаб олинди ва тормор этилди. 23 августда румин халқи фашистлар зулмидан халос бўлди. Фашизмга қарши жангларда совет ва румин халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланди. Бу курашда 286 минг совет солдати, офицери ва 58 мингдан ортиқ руминиялик жангчи озодлик йўлида қурбон бўлишди.

1947 йил 30 декабрда монархия тугатилиб, Руминия Халқ республикаси деб эълон қилинди. Румин халқининг социал-иқтисодий ривожланишда муваффақиятларга эришишида қардош социалистик мамлакатлар, айниқса Совет Иттифоқи муҳим роль ўйнади. СССР ёрдамида юзлаб корхоналар қайтадан қурилди, саноатнинг янги тармоқлари вужудга келди.

Совет—румин дўстлиги ришталари йилдан-йилга мустаҳкамланиб, камол топиб бормоқда. 1965 йили Ўзбекистон пойтахтида совет—румин дўстлиги жамиятининг Тошкент бўлими тузилди. 25дан ортиқ ташкилот, муассаса, корхона унинг коллектив аъзоси ҳисобланади. Республикамизнинг таниқли олимлари, малакали мутахассислари бўлимга раҳбарлик қилиб, унинг фаолиятида актив иштирок этмоқдалар. Бўлим ҳозир Руминия Социалистик Республикасининг 50дан ортиқ ташкилоти ва 20 дан зиёд мухбирлари билан алоқа қилаётир.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти румин—совет дўстлиги жамиятига турли хилдаги фотокўргазмалар, агитация-ахборот материаллари, брошюралар, буклетлар, альбомлар ва «Совет Ўзбекистони» журналини мунтазам равишда юбориб ўз навбатида румин дўстларидан «Руминия», «Скинтейя», «Руминская литература», «Туризм в Руминии» каби журналларни олади.

Ҳар йили Руминиядан минглаб туристлар, зиёлилар, шифокорлар, илғор ишчилар, ёзувчилар ва бошқа касб эгалари Совет Ўзбекистонига ташриф буюришмоқда. Шулардан бири талантли румин адиби Зинка Харалампадир. Ёзувчи икки бор республикамизда бўлди. У Самарқанд областининг Нарпай районидаги Охунбобоев номли колхозга келиб, Улуғ Ватан уруши даврида боқиб олган отаси билан учрашди. Харалампанинг қаламига мансуб «Мен қандай қилиб ўзбек бўлиб қолдим» номли повести рус ҳамда ўзбек тилларига ўгирилган. Ўз навбатида А. Навоийнинг ғазаллари, А. Қаҳҳор, Зулфия, Ҳ. Ғулом, А. Мухтор каби ўзбек совет адабиёти намояндаларининг асарлари ҳам румин тилига таржима қилинган.

Совет — Руминия иқтисодий ҳамкорлигига республикамиз ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Руминия Ўзбекистонга асосан нефть бурғулаш ва химия асбоб-ускуналари, мебель, трикотаж ва бошқа моллар етказиб беради. Республикамиз ҳам бу дўст диёрига пахта терадиган машиналар, тўқимачилик машиналари қисмлари, химия саноати маҳсулотларини юборяпти. Ўзбекистон экспортининг асосий тури —бу пахта толасидир.

Барча совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Руминиянинг фашист босқинчиларидан озод этилган кунининг 45 йиллигини кенг нишонламоқдалар. Улар қардош халққа энг яхши истаклар билдириб, совет-румин дўстлигини янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш ниятида эканликларини изҳор этмоқдалар.

А. МАМАТҚУЛОВ.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

ПАРИЖ. Ливандаги аҳвол ва Яқин Шарқдаги ана шу мамлакатга нисбатан Франция бундан буён тутадиган йўл француз матбуотининг асосий мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда.

«Монд» газетасининг ҳабар беришича, Франциянинг давлат министри, ташқи ишлар министри Ролан Дюма Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари вакилларининг Ливанга бағишлаб февқулодда кенгашини ўтказишни таклиф этди. Янги ташаббуснинг тафсилотлари маълум эмас, аммо, «Котидьен де Пари» газетасининг таъкидлашича, бир қанча манбалар ана шу ташаббуснинг уч бандини тилга олмоқда: булар орасида шошилинч инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, аввало, озиқ-овқат жўнатиш, ўт очишни тўхтатишга даъват, шунингдек Парижнинг бундан буёнги барча тадбирларини умумий бозор қўллаб-қувватлаши сингари тадбирлар бор.

Франция Президенти Ф. Миттеран Испанияда бўлган матбуот конференциясида (у бу мамлакатга сафар қилган эди) Парижнинг вазифаси «тинчликпарварлик тусида» бўлади ва диний эътиқодидан қатъи назар барча ливанликларга ёрдам беришга хизмат қилади, деб таъкидлаган. «Либерасьон» газетаси шу ҳақда хабар берди. Аммо, деб ёзди газета, Франция стратегиясининг конкрет мақсадлари хусусида ҳозирча тўла ойдинлик йўқ.

●

БАЙРУТ. Якшанба куни маҳаллий радиостанциялар эшитгирган ҳабарга кўра, «Иноқлобий адолат ташкилоти» Байрутдаги Ғарб ахборот агентликларига баёнот текстини тарқатди.

Мазкур баёнотда агар АҚШ Францияга тазйиқ ўтказмаса ва Ливан қирғоқларига сузиб бораётган Франциянинг жангговар кемаларининг қайтиб кетишига шу мамлакатни ишонтирмаса, Американинг гаровга олинган фуқароларини бу ташкилот қатл этади, деб даъвога қилинади.

(ТАСС).

ИСЁНЧИЛАР БЕБОШЛИГИ

Афғонистон шу кунларда ўз бошидан ғоятда ташвишли кунларни кечирмоқда. Айниқса республика пойтахти Кобулда кейинги пайтларда хавотирли даҳиқалар кучайиб кетди.

Афғонистон Ички ишлар министрлигининг вакили Муҳаммад Наби Омонийнинг хабар беришича, фақат сўнгги тўрт ҳафта мобайнида Кобул томонга «Ер—Ер» классидаги 300 га яқин ракета йўналтирилди. Пойтахтнинг бетиним ўққа тутилиши натижасида 188 киши ҳалок бўлди, 483 киши яраланди. Ўлганлар ва яраланганларнинг ҳаммаси граждан шахслар бўлиб, улар орасида кексалар, аёллар, болалар бор.

Исёнчилар бу билан ҳам чегараланмай республика пойтахти ва унинг атрофини ракета билан ўққа тутишни кунданкунга авж олдирмоқдалар.

Суратда: ракета ҳужумидан оғир жароҳатланган афғон болаларини кўриб турибсиз.

ТАСС—АП телесуратн.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ИСЛОМОБОД. Покистондаги энг йирик шаҳар бўлган Карочи тепасида қуюқ тутун бурқсиб турибди: уй-жойлар, дўконлар, автомобиллар ёнмоқда.

Кўчалардан пулемёт ўқидан илма-теша бўлиб кетган ҳарбий юк машиналари қатнамоқда. Кечалари портлашлар бўляпти, автоматлардан ўқ узилмоқда, яradорлар оғриққа чидамай инграмоқда, аёллар фарёд кўтаришмоқда. Шаҳарда бир ҳафтадан буён Покистоннинг шимоли-ғарбий вилоятида муқим яшаб келган пуштунлар билан Ҳиндистон ва Бангладешдан кўчиб келган муҳожирлар ўртасида қонли жанглар тўқнашувлари давом этмоқда. Куролли тўқнашувлар оқибатида 20 киши ўлди, неча ўнлаб одамлар яраланди. Тартибсизлик чиқиб кетган районларда кеча-кундуз комендантлик соати жорий этилди. Шу воқеалар муносабати билан Синд вилоятининг бир қанча бошқа шаҳарларида вазият кескинлашди. Маъмурлар бу ғалва-тўполон Карочидан ташқарига ёйилмаслиги учун чоралар кўришмоқда.

●

ҚОҲИРА. Миср да шаҳарларнинг яшириқ экстремист ташкилоти аъзоларидан 52 киши қамоққа олинди. Уларнинг иши кўриб чиқиш учун давлат хавфсизлигининг олий судига ўтказилди.

Миср — Араб республикасининг бош прокурори Жамол Шаумон шу ҳақда хабар берар экан, қамоққа олинганлар мамлакатдаги мавжуд тузумни зўравонлик билан ағдариб ташлашга тайёргарлик кўришда айбланмоқдалар, деб уқтирди.

Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, АҚШ, Исроил, Саудия Арабистони, Ироқ ва Кувайт ваколатхоналарига қарши қўпорувчилик операциялари ўтказиш ҳам мазкур ташкилотнинг вазифаларидан эди. Миснинг махсус хизмат маҳкамалари ушбу ташкилотга қарашли қурол-яроғ ва портловчи моддалар яширилган жойни топганликлари ҳам, жумладан, шундан далолат бериб турибди.

(ТАСС, 21 август).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари

И. А. КАРИМОВнинг

1989 йил 19 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумида сўзлаган нутқи

Ўртоқлар!

Мамлакатда қайта қуриш ўткир ва қийин даврни бошидан кечирмоқда. СССР халқ депутатларининг биринчи съездида, СССР Олий Советининг мажлисларида, мамлакатнинг турли регионларида меҳнаткашларнинг оммавий чиқишларида бу, айниқса яққол намоён бўлди.

Ҳозир шундай вазият вужудга келдики, у жамиятни янгилаш учун курашаётган барча кучларнинг энг кўп бирлаштирилишини талаб қилмоқда. М. С. Горбачев бир ой муқаддам КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда таъкидлаганидек, аввало партия ишини қайта қуриш зарур. Халқ қайта қуришнинг муваффақият қозонишига бўлган орзу-умидларини КПСС сиёсати ва амалий фаолияти билан боғламоқда. Партия ташкилотлари шанига қилинган жиддий таҳқид талай даражада шу билан изоҳланади. Одамлар асло кечиктириб бўлмайдиган муаммолар — озиқ-овқат, транспорт, савдо, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши, меҳнат режими ва унга ҳақ тўлаш, дам олиш шароитлари каби муаммоларнинг ҳал этилишини кутмоқдалар.

Кейинги вақтларда экономикада пайдо бўлган бир қанча салбий тенденциялар вазиятни жиддий равишда чигаллаштирмоқда. Кўпгина халқ истеъмоли молларининг тақчиллиги сезиларли равишда кучайди, Пул тобора қадрсизланиб бормоқда. Давлат бюджетининг камомади секинлик билан камаймоқда. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми анча пасайиб кетди.

Ана шуларнинг ҳаммаси социал кескинликнинг кучайишига олиб келмоқда.

Миллий масала ҳамон ўткирлигича қолмоқда. Арманистон, Озарбайжон, Грузияда, Болтиқбўйи ҳамда бошқа республикаларда можаролар давом этмоқда. КПССнинг яқинда эълон қилинган «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» платформаси лойиҳасида юзага келган муаммоларни ҳал этиш қайта қуриш тақдири ҳамда мамлакатимиз келажаги учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги уқтирилади.

Мана шу ва бошқа зиддиятлар, қийинчиликлар бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтмади. Айни вақтда Ўзбекистондаги ишларнинг аҳволи республиканинг ўзигагина хос бўлган бир қанча муаммоларнинг намоён бўлиши билан чигаллашмоқда.

Принципиал аҳамиятга эга бўлган баъзи энг жиддий муаммоларга тўхталиб ўтишимга ижозат бергайсиз.

Биринчидан, республикада демографик вазиятнинг мураккаблигидир. Кейинги рўйхат маълумотларига кўра, сўнгги ўн йил мобайнида аҳолимиз 4,5 миллион киши ёки 30 процент кўпайди ва ҳозир 20 миллион кишини ташкил этади. Республикада аҳолининг ўсиш суръатлари умумиттифоқ суръатларига қараганда уч баравардан зиёд юқоридир.

Шуни тўппа-тўғри эътироф этиш керакки, аҳолининг бундай ўсиши кўп йиллардан буён саноатда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамланмаяпти. Аввало уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари, соғлиқни сақлаш, маориф, маиший хизмат, маданият объектлари билан, хуллас ҳозир одамларнинг моддий, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан фаровонлиги учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

Одамлар турмуш тобора беҳаловат бўлиб бораётганлиги, ижтимоий-фойдали меҳнат соҳасида банд бўлмаган кишилар, оддий қилиб айтганда ишсизлар кўпаяётганлиги, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳолининг даромадлари камайиб, пировард натижада халқ фаровонлиги пасайиб кетаётганлиги мана шундандир. Статистиканинг кўрсатишича, ҳозир Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 процентини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, кун кечириш учун камида 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ана шу кишилар ҳозир қандай қийинчилик билан учма-уч яшаб келишаётганига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин.

Иккинчидан, республика халқ хўжалиги бир ёқлама, айтишим мумкинки, ҳаддан ташқари ихтисослаштирилганлигидир. Шундай аҳвол вужудга келдики, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилмоқда, тайёр маҳсулот, биринчи навбатда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқлар эса арзимас салмоққа эга. Ҳозир қишлоқ хўжалик хом ашёсининг талайгина ҳажми (пахта толаси, хом ипак ва бошқа кўпгина хом ашё маҳсулотлари) республикадан олиб кетилмоқда, айни вақтда эса аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8—9 миллиард сўмликка яқин тайёр маҳсулот олиб келинмоқда.

Электроника, асбобсозлик, радиотехника, мураккаб рўзғор техникаси ишлаб чиқариш каби ва бошқа кўпгина сермеҳнат илғор тармоқлар мутлақо қониқарсиз ривожлантирилдики, бу тармоқлар республиканинг меҳнат ресурслари ошиб-тошиб ётган аҳолисини иш билан яхшироқ ва кўпроқ таъминлай олган бўлур эди. Республикада сув кўп сарфланадиган ва зararли ишлаб чиқаришлар асоссиз равишда ривожлантирилди.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида аввало тармоқларнинг сердаромадлиги ва меҳнат сарфини, табиий ер потенциалидан яхшироқ фойдаланишни эътиборга олиб унинг структурасини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Республика пахтачилигидаги ишларнинг аҳволига: пахтанинг нархи, пахта яккаҳокимлигини тугатиш масалаларига ғоят зудлик билан эътибор бериш зарур, албатта. Нархнаво ислоҳоти бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда чорвачилик маҳсулотларига ҳам дахл қилиши лозим.

Учинчидан, ишлаб чиқарувчи кучлар ва аввало саноат объектлари асосан стихияли равишда, аниқроғи эса ҳар хил ўзбошимчалик, буйруқбозлик қарорлари асосида, кўпинча илм-фан, лойиҳа муассасалари обрўли мутахассисларининг тавсиялари мутлақо эътиборга олинмай жойлаштирилди. Республика саноат потенциалининг 50 процентга яқини жойлаштирилган Тошкент ва Тошкент области шаҳарлари, Фарғона, Андижон, Қўқон, Навоий шаҳарлари ҳамда республиканинг бошқа бир қанча регионлари мисолида ҳозир ана шундай жойлаштириш айниқса салбий таъсир ўтказаётганлигини кўриш мумкин.

Бундай жойлаштириш республиканинг экономикасига ва аҳоли пунктларининг экологиясига ғоят катта зиён етказганига ҳозир баҳо бериш қийин, энг асосийси эса бу ҳозир аҳолининг ҳаёт таъминотига, одамларнинг яшаши ва уйғун камол топиши учун зарур шароитларни яратишга таъсир ўтказмоқда.

Тўртинчи ва айтиш мумкинки, энг муҳим масала — республикадаги социал аҳволнинг, одамлар социал таъминоти ва улар социал жиҳатдан ҳимоя қилинишининг мутлақо қониқарсизлигидир. Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 процента канализация ва водопровод билан, салкам 50 проценти — нормал ичимлик сув билан, 17 проценти табиий газ билан таъминланганлигини нормал аҳвол, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Шуни эътироф этиш керакки, кўрилаётган барча чораларга қарамай, аҳолини уй-жойлар, соғлиқни сақлаш объектлари, мактаблар, болалар боғчалари, маданият, маиший хизмат объектлари ва ҳоказолар билан таъминлашда ҳозирча муҳим силжишларга эришилгани йўқ.

Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш учун бирон иш қилинмаяпти, ваҳолонки, аҳолининг асосий кўпчилиги қишлоқда яшайди.

Одамларнинг турмуш даражасига, фаровонлиги ва кайфиятига бевосита таъсир ўтказадиган ана шу барча ниҳоятда мураккаб муаммоларни ҳал этиш учун ишлаб чиқилган, аммо бир-бири билан дуруст боғланмаган турли программалар ва тадбирлар мутлақо қониқарсиз рўёбга чиқарилаётганлиги бизни, айниқса ташвишлантирмоқда. Республиканинг айрим регионларини социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасида йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун амалда бирон-бир иш қилинаётгани йўқ.

Сизларга маълумки, биз 1991 йилдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтамиз. Бироқ республика бюджети катта камомад билан якунланаётган ва бундай камомад камайиш ўрнига ўсиб бораётган экан, қандай хўжалик ҳисоби тўғрисида гап бориши мумкин?

Молиявий аҳволнинг мураккаблиги яна шу билан кескинлашмоқдаки, харажатлар республика бюджетининг ҳам маҳаллий, бюджетларнинг ҳам даромад қисмининг заиф базаси билан чекланиб қолмоқда. Ҳамма жойда нарх-наво ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Буларнинг барчаси одамларнинг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлиб, маҳаллий партия ва совет органларига нисбатан муносабатда танқидий кайфиятларнинг кучайишига кўмаклашмоқда.

Биз вужудга келган аҳволдан чиқиш йўлини нимада деб биламиз? Ҳозирги пайтда одат бўлиб қолганидек, ҳаммани ва ҳамма нарсани танқид қилиш, айбдорларни топишга уриниш ва шу сингарилар барчасидан осонроқ, албатта. Менинг назаримда, унсиз ва ҳимоясиз ўтмишни таҳқид қилиш билан обрў орттиришга уринаётган кишилар ўзларини муносиб тутмаяптилар. Шу нарса мутлақо равшанки, қийин аҳволдан чиқиш йўли энг аввало партиямизнинг принципиал позицияларига асосланиб ишларнинг аҳволига холис баҳо бериш, республикадаги вазиятни соғломлаштиришнинг конкрет ва аниқ-пухта программасини ишлаб чиқишдан иборат. Бизнингча, мазкур программанинг асосий мазмуни ва моҳияти — энг аввало халқимиз турмуши ва фаровонлигини тубдан ва кескин яхшилаш мақсадида барча соғлом кучларнинг бирлашиши ва ҳамкорлик қилишини кўзда тутади. Айни пайтда мазкур вазифани ҳал этишни келгуси беш йиллик охирига ёки 2000 йилгача қолдирмай, унинг натижаларини одамлар яқин вақтлар ичида ҳис этишлари керак.

Ишни, афтидан, биринчи галда турмушимизнинг барча соҳаларида қатъий тартиб ва интизом ўрнатишдан, раҳбар кадрларни жойжойига тўғри қўйишдан, уларга нисбатан талабчанликни оширишдан бошлаш лозим.

Кучларни бирлаштириш тўғрисида гапирар эканмиз, Ўзбекистоннинг ҳозирги куни ва келажагига бефарқ қарамаётган, ҳозир биз бошдан кечираётган оғир аҳволдан чиқишга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётган барча кишилар билан ҳамкорлик қилишга ва мулоқот олиб боришга тайёр бўлишимиз зарур. Ҳар бир киши ўз жойида ўзига топширилган ишни виждонан ва ҳалол бажариб, ташаббус кўрсатиши бугунги кунда ғоят муҳимдир. Олга томон боришимизнинг асосий шарти мана шундадир.

Фарғона областидаги фожиали воқеалар оқибатлари натижасида ҳам республикадаги вазият кескинлашмоқда. Бу нарса ҳозир ҳам сезилиб турибди, ўзининг оғир таъсирини ўтказмоқда. Шуни рўй-рост айтаманки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини республикада вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва социал-психологик вазият жуда ташвишлантирмоқда.

Фарғона воқеалари тўғрисида гапирар эканман, шу нарсани яна бир бор таъкидлашни истардимки, айрим оммавий ахборот воситалари ва баъзи манфаатдор масъул раҳбарлар ана шу воқеаларга берган баҳолар улар фожианинг чуқур сабабларини билмасликларидан далолат беради. Гўё республикада сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш мақсадини ўз олдига қўйган қандайдир миллатчи марказлар мавжудлиги тўғрисидаги асоссиз даъволар билан вазиятни билмасликларини, халқдан ажралиб қолганликларини, етилган муаммоларни ҳал эта олмасликларини ва пировард натижада ўзларининг фаолиятсизлиги ва муаммоларни ҳал этишга қодир эмасликларини яширишга уринмоқчи бўладилар.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари

И. А. КАРИМОВнинг

1989 йил 19 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумида сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Мана шу барча уринишлар замирида ўз лавозимини, идоравий ва гуруҳбозлик манфаатларини ҳимоя қилишга, турли миллат кишилари ўртасида атайин ишончсизлик туғдиришга ва республикада вазиятни изидан чиқарувчи кескинликнинг доимий манбасини вужудга келтиришга, интилиш сезилиб турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатномасидан қуйидаги сўзларни яна бир бор такрорлашга тўғри келади: ўзбек халқининг виждони пок, Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва гаразли мақсадларни кўзлаб ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилатлар бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исботланган.

Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, ана шу фожианинг айбдорларини ҳимоя қилишга уринишлар ҳам асоссиздир. Ким бўлишидан, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар вахшийлик ва одам ўлдиришда, ўт қўйиш ва тўс-тўполон чиқаришда айбдор бўлган шахслар жазога тортилиши зарур ва жазога тортиладилар, токи ўзбек халқининг яхши номига доғ туширилишига йўл қўйилмасин.

КПССнинг миллий масалага оид платформаси лойиҳасида таъкидланишича, халқ ўртасида ишончни мустаҳкамлаш сиёсий ислоҳот билан чамбарчас боғланган. «Бутун ҳокимият — Советларга!» шиори ҳозирги пайтда ҳар қачонгидан кўра долзарбдир, бу шиор мамлакат ва республика, ҳар бир область, шаҳар, район даражасида рўёбга чиқарилиши даркор. Бу — ҳаёт тақозосидир.

Мазкур шиорни бажариш борасида биз нималар қилаётганлигимизга бир назар ташлайлик. Партия ва совет, хўжалик органлари ўртасида вазифалар зарур изчилликка, системага амал қилмай чегаралаб қўйилмоқда. Партия комитетлари аппаратини қайта ташкил этиш, уларнинг структурасини қайта қуриш ҳозирча республиканинг социал-иқтисодий ривожланишига раҳбарликни тўла даражада таъминламаяпти. Экономиканинг айрим тармоқлари амалда эътибордан четда қолди. Бир томондан, партия комитетлари бошқарувнинг тармоқ принципидан воз кечдилар, иккинчи томондан, совет органлари бугунги кунда етилган, ўткир муаммолар ҳал этилиши учун масъулиятни ўз зиммаларига олишга тайёр эмаслар ва ўз зиммаларига олмаяптилар. Улар қўникиб қолган мавқедан — партия комитетлари соясида юришдан воз кечишни истамаяптилар. Эскича фикрлаш, ташаббус ва масъулиятни ўз қўлига олишни истамаслик, бундан чўчиш устунлик қилмоқда.

Капитал қурилишни бунга яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ҳозирги вақтда Марказий Комитетда капитал қурилиш учун ҳеч ким жавоб бермайди. Бир вақтлар капитал қурилиш билан Марказий Комитет секретари, унинг бўлими шуғулланар эди. Бугунги кунда эса мазкур тармоқ амалда партия контролидан четда қолди. Министрлар Совети ҳам, тегишли совет органлари ҳам капитал қурилиш билан қониқарли даражада шуғулланмаяптилар. Бу нимага олиб келди? Йил сайин асосий фондларни ишга туширишпланлари барбод бўлмоқда, катта ҳажмдаги капитал маблағлар ўзлаштирилмай қолмоқда. Ҳозирги пайтда битказилмаган қурилишлар ҳажми 5,3 миллиард сўмликдан ва нормадагидан ўчдан бир баравардан зиёд ошиб кетди.

Узоқ давом этаётган қурилишларнинг кўпайиши республиканинг шусиз ҳам мураккаб молиявий аҳволи кескинлашувига, пулнинг қадрсизланиш жараёнлари кучайишига олиб келди. Тармоқдаги танг аҳвол яна да чигаллашмоқда.

Мамлакат Министрлар Совети Ўзбекистонда мазкур тармоқ деярли барбод этилганлиги учун бизни ҳаққоний танқид қилмоқда. Бундай аҳволни тузатиш учун ғоят шошилинч чоралар кўриш зарур.

Капитал қурилиш бўлмаса бирорта ҳам тармоқ, энг аввало социал соҳа олға томон ривожлана олмайди, шу сабабли бу ҳақда батафсил гапиряпман. Аҳолимиз кўпаймоқда. Уни боқиш, кийинтириш, уй-жой билан таъминлаш лозим. Биз эса кам қуряпмиз. Қурилиш суръатлари кескин пасайиб кетмоқда. Ярим йиллик давомида социал-маданий, маиший объектларни ишга туширишйиллик плани атиги 44 процент бажарилди. Айни пайтда ярим йиллик план бажарилди. Биз йиллик план бажарилишини қандай таъминлаймиз? Бу қандай планлаштириш, бунинг учун ким жавоб беради?

Уй-жой программаси қандай бажарилаётганлигига бир назар ташланг. Ҳар бир областда, ҳар бир шаҳарда биз фақат аҳолининг ўсиб бораётган қисминигина зўрбазўр уй-жой билан таъминлашга улгуряпмиз. Аҳвол мураккаблигича қолмоқда, аҳолини уй-жой билан таъминлаш аввалги даражада турибди. Уй-жойлар эскириб, яроқсиз бўлиб қолмоқда. Мактаб бинолари ҳам яроқсиз бўлиб қолмоқда, минглаб мактаблар ва бошқа социал, маданий, маиший объектлар авария ҳолатидадир. Энди бунга тоқат қилиб бўлмайди. Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи ҳар бир районда, шаҳар ва областда конкрет кўриб чиқилиши, айбдорлар жавобгарликка тортилиши зарур.

Ижро интизоми тўғрисидаги масала бевосита шу билан боғлиқдир. Бир хил ҳулоса чиқариш мумкин. Халқ хўжалиги тармоқларидаги ишларнинг аҳволи яхши эмаслиги, одамлар кайфиятининг кескин ёмонлашётганлиги интизомнинг сусайганлиги билан бевосита боғлиқдир. Кўпгина раҳбарлар ишни моҳирлик билан ташкил этиш ўрнига мажлисбозлик ва қоғозбозлик билан шуғулланмоқдалар.

Раҳбариятни ўз вақтида хабардор қилиш ва масалани ўз вақтида ўртага қўйишдан иборат эски одат амал қилмоқда. Ижрони, ишни ташкил этишни, одамларни сафарбар қилишни, қийин муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишни ва ниҳоят қарорлар оқибатлари учун жавобгарлик ва маълум даражадаги журъатни бошқа кимдир ўз зиммасига олиши керак. Бундай механизм ҳамон бемалол амал қилиб келмоқда.

Рақамларга назар ташлаймиз: кейинги бир ярим йил ичида республика Министрлар Советида 1484 та фармойиш ва қарор, яъни ҳар куни уч-тўрттадан ҳужжат қабул қилинди. Зарур контрол йўқлиги сабабли уларнинг кўпи бажарилмаяпти. Агар ана шу ҳужжатлар бажарилишини ҳеч ким контрол қилмас экан, уларнинг нима кераги бор? Область, шаҳар ва район ташкилотларида нималар рўй бермоқда?

Бундай вазиятда раҳбар кадрларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартириш, топширилган соҳа учун уларнинг масъулиятини ошириш даркор.

Ленининг сўзларини эсга олайлик. Владимир Ильич раҳбарликнинг конкретлиги тўғрисида гапирар экан, «ҳар қандай ҳолатда ва истисносиз барча ҳолатларда коллегиалчилик муайян иш учун **ҳар бир** кишининг шахсий жавобгарлиги ғоят аниқ белгиланиши билан бирга қўшиб олиб борилиши» зарурлигини, «коллегиалчиликка таяниш билан ниқобланадиган масъулиятсизлик эса энг хатарли иллат» эканлигини неча бор таъкидлаган эди.

Бизда шундай бўлмоқдаки, биз ҳамма нарса учун жавоб берамиз, айни пайтда эса аниқ ҳеч ким ҳеч нарса учун жавобгар бўлмайди. Бу эҳтимол, бугунги кунда биздаги асосий иллатдир. Бундай ёндашув туфайли ишларимиз ёмон бораётганлигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бу борада, назаримда, ғоят муҳим жиҳатни қайд этиш лозим: ўзини аямасдан, бор кучини сарфлаб ишлаётганлар ҳам, нарибери ишлаётганлар ҳам бир хил баҳоланмоқдалар. Энг аввало яхши, ташаббускор, фикрлайдиган раҳбарни кўра билиш, унинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш муҳимдир. Уни бошқалардан ажрата билиш ҳамда маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш лозим. Бизда эса ҳамма баравар лаштирилади. Яхши ходимга ҳам ёмон ходим сингари баҳо берилади. Биз ёмон ходимга нисбатан талабчан бўлишдан, яхши ходимни эса бошқалардан ажратиб кўрсатишдан чўчиймиз, чунки унисида ҳам, бунисида ҳам жавобгарликни ўз зиммамизга олишимиз керак.

Шунга аминманки, одам биргина яхши сўз туфайли, мажозий қилиб айтганда, тоғни талқон қилиши мумкин. Афсуски, биз кейинги вақтда одамларга бундай муносабатда бўлишни деярли унутиб қўйдик. Чунки, одамга ишонч уни улуғлайди, унга ўз кучига ишонч бағишлайди. Бошқа томондан, ишончсизлик, холисона муносабатда бўлмаслик одамларнинг ҳафсаласини пир қилади ва шу туфайли биз қанчадан-қанча истеъдодли ўртоқларни бой бермоқдамиз.

Биз, раҳбарлар ҳаммамиз халқимиз бугунги кунда танбеҳ, панд-насиҳат ва кўпинча ўринсиз жазодан кўра яхши, самимий сўзга муҳтожлигини тушуниб етишимиз керак. Бунинг сабаблари ҳаммангизга маълум: узоқ вақт бизнинг халқ билан муносабатларимизда нормал, вазмин ва ҳурмат билан ёндашув етишмади.

Республикада кадрлар ишини жиддий қайта қуриш зарур. Кадрларни танлаш чоғида энг аввало уларнинг сиёсий, ишчанлик, профессионал, ташкилотчилик фазилатларига, ташаббускорлигига, масъулиятни ўз зиммасига ола билишига асосий эътиборни қаратиш зарур. Биз Ўзбекистонда етарли бўлган истеъдодли, истиқболли кишиларни топа билишимиз, уларни тарбиялашимиз ва уларга масъулиятли ҳисобларни ишониб топширишимиз лозим.

Республикадаги вазиятни, урф-одатларни ва халқ анъаналарини яхши биладиган ёш, истиқболли маҳаллий кадрларни лавозимларга кўтаришни тўғри изга солиш ғоят муҳимдир. Бундай кадрларни кенг кўламда, истиқболли кўзлаб тайёрлаш керак. Айни вақтда кадрлар давомийлигини таъминлаш, фаол раҳбарлар рўйхатидан адолатсиз равишда ўчирилган кишиларни ва бугунги кунда аҳоли орасида обрўэътибор ва ҳурмат қозонган кишиларни фаол ишга қайтариш даркор. Мана шу ишончнинг ўзи уларнинг руҳини кўтаради ва аминманки, улар ўзларига қайтарилган ишончни оқлаш учун янада зўр ғайрат билан, ҳеч нарсадан чўчимай, виждонан меҳнат қиладилар.

Буларнинг ҳаммаси бугун муҳокама қилинаётган Андижон, Хоразм область партия комитетларининг қишлоқда якка тартибдаги ёрдамчи хўжаликларни ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантиришни таъминлаш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисидаги масалага бевосита алоқадордир. Жойларда шу масалаларнинг ўрганилиши, ҳисоботларнинг ўзи амалий ишларга қараганда ҳозирча гап кўп бўлаётганлигини кўрсатди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети қарор қабул қилганидан сўнг, афсуски, яхшироқ силжиш бўлганлиги сезилмаяпти.

Мен область партия комитетларининг биринчи секретарларига, область ижроия комитетларининг раисларига, район бўғинидаги раҳбарларга мурожаат этиб, яна бир бор таъкидламоқчиман: ҳозир бу вазифа принципиал, муҳим сиёсий вазифа бўлиб, бу билан ҳар куни шуғулланиш керак, йўлда учраган қийинчиликлардан қўрқмаслик ва уларни бартараф этиш лозим.

Бугунги кунда ана шу нарса олдимизда турган муаммоларни ҳал этишнинг энг оддий, энг тез бажариладиган йўлидир. Фикримни тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. Қаранг, бугунги кунда қишлоқларимизда 240 минг оиланинг ери йўқ. 1,8 миллиондан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга жуда муҳтож бўлиб турибди. Шаҳарлар, район марказлари ва шаҳар типидаги посёлкаларда ер йўқлиги сабабли меҳнаткаталарнинг якка тартибда уй-жой қуришга, коллектив равишда боғдорчилик қилиш ва полизчилик билан шуғулланишга имкониятлари йўқ. Фақат Тошкент шаҳрида 92 минг оила ер участкаси олиш учун навбатда турибди.

Бизда мазкур масала юзасидан жуда кўплаб қарорлар қабул қилинган, лекин афсуски, силжиш йўқ ва шу боисдан буларнинг ҳаммаси одамларда адолатли равишда норозилик туғдирмоқда, улар сиз билан бизни, партия ва совет раҳбарларини қаттиқ танқид қилишмоқда.

Биз ер улушини кенгайтириш орқали қандай масалаларни ҳал этишни хоҳлаймиз?

Биринчидан, Озиқ-овқат программасини бажармоқчимиз. Шахсий хўжаликдаги ернинг бир гектари жамоат секторидагига нисбатан тўрт баравар кўп самара беради. Шахсий ёрдамчи хўжаликнинг бир гектаридан олинаётган самара 12,5 минг сўмни, ижтимоий секторда эса атиги салкам уч минг сўмни ташкил этади.

Республикада ҳайдалиган ерларнинг атиги 5 фойизи шахсий ёрдамчи хўжаликларга берилган, улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқаришмоқда. Етиштирилаётган сабзавот, полиз экинлари, гўштнинг ярмидан кўпроғи ва сутнинг учдан икки қисми улар ҳиссасига тўғри келади. Агар муаммоларни ҳал этсак ва эҳтиёжи бўлган барча кишиларни ер участкалари билан таъминласакчи? Агар мазкур масалаларни ҳал этишда барча кераксиз тўсиқларни олиб ташласак, одамлар ўзларини қанчалик енгил ҳис этар эдилар. Мана шунинг учун ҳам бу масалаларни зудлик билан ҳал этишга киришишимиз, ер участкаларини қандай изчиллик билан, қанча ва қайси муддатларда ажратишни социал адолат нуқтаи назаридан кўриб чиқишимиз керак. Биз шу мақсадда жойларда тузилган комиссиялар бу масалаларнинг ҳаммасини холис ва тезда кўриб чиқишларига умид қиламиз.

Иккинчидан, бу уй-жой программасини ҳал этишни жиддий тарзда олдинга силжитади. Шуни аниқ-равшан тасаввур этиш керакки, якка тартибда уй-жой қурмасдан туриб, партия ўртага қўйган вазифани — 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш вазифасини ҳал эта олмаймиз. Якка тартибда уй-жой қуриш ўз салмоғига кўра уй-жой программасида 60 процентдан кўпроқни ташкил этади, ҳозир эса ана шу кўрсаткич 89-90 процент атрофида бажарилмоқда. Ер участкалари, пул ссудалари ва зарур қурилиш материаллари ажратиб бериш бу йўлдаги асосий ғовдир. Биз масалани ҳал этишни жадаллаштиришимиз, одамларга ер беришимиз, уларни ссуда, қурилиш материаллари билан таъминлашимиз, хонадонларга сув, канализация, газ туширишимиз керак. Шундай қилсак, одамлар уй-жой қуришади.

Ҳозир эса кишилар бунга машаққат ва азият чекиб эришмоқдалар. Кишилар бюрократик аппаратнинг барча тўсиқларидан ўтишга мажбурлар. Уларнинг йўлида қанчадан-қанча амалдорлар ва тўралар учраяпти! Бу ерда порахўрлик ҳам, қонунсизлик ҳам, мазкур масаланинг сиёсий аҳамиятини батамом тушунмаслик ҳам мавжуд. Партия ва совет органлари эса шу аҳволга кўникиб қолишган. Марказий Комитетга шу хусусда кўплаб хатлар келмоқда, уларда одамларнинг арз-додлари битилган. Одамлар ер участкалари ажратиб берилаётганида пора бериш ва пора олиш расм бўлиб қолганини, жойларда эса ҳеч ким ҳаддидан ошиб кетган амалдорларга зарба бермаётганини айтмоқдалар.

Батамом бошқача ёндашувлар зарур, йўлимизга ғов бўлаётган барча нарсаларга қарши, биз билан халқ ўртасига раҳна солаётганларга қарши ҳақиқий жанг бошлаш керак. Партия комитетлари, совет органлари ана шу фактларнинг ҳаммасини принципиаллик билан ўрганиб чиқишлари, буларга сиёсий баҳо беришлари, одамларни бюрократик аппаратнинг ўзбошимчалигидан ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишларини таъминлашлари керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, прокуратура, суд инсоннинг қонуний ҳуқуқлари, ижтимоий адолатни ҳимоя қилишга отланишлари керак. Халқ биздан шуни талаб қилмоқда.

Учинчидан. Бу ерда ишсизлик муаммоси ҳам ҳал этилмоқда. Масалан, Фарғона областини олайлик, бу ерда 149 та колхоз, совхоз ва давлат хўжалиги бор. Агар ҳар бир хўжаликда 50-60 кишилик қурилиш бригадаси тузиб, улар қурилиш материаллари билан таъминланса, бундай бригадалар аҳоли билан шартнома асосида уй-жой қуришлари мумкин бўлур эди. Фақат шунинг эвазига 7,5 минг кишини иш билан таъминлаш мумкин бўларди. Хўжаликларда ғишт, дурадгорлик буюмлари ва бошқа нарсалар тайёрлайдиган ёрдамчи корхоналар бунёд этишга киришилса-чи. Масалан, Хоразм областида шундай иш тутиш қурилиш материаллари тақчиллигини бартараф этиш билан бирга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришга қўшимча тарзда 2,5 минг кишини жалб этиш имконини берди. Бу одамларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишнинг тўғридан-тўғри йўлидир. Уларга меҳнат дафтарчалари бериш, пенсия билан таъминлаш мумкин бўлади. Бунинг устига, улар ўзлари учун қуришларини, томорқа участкаси орқали эса ўз оилаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан кўп жиҳатдан таъминлашларини назарда тутсак, бу ишдан кўриладиган наф яққол намоён бўлади.

Тўртинчидан. Биз аёлларнинг иш билан бандлиги муаммосини ҳам бир қадар ҳал этган бўламиз. Улар ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган кишиларнинг анчагина қисмини ташкил этадилар. Кўп болали оилаларда аёллар болаларни тарбия қилишмоқда, рўзғор юмуши билан банд бўлиб туришибди, албатта. Умуман шуни айтишим керакки, оилада мамлакатимизнинг бўлажак гражданини тарбиялаётган оналарни ишсизлар қаторига қўшиш тўғрисидаги масалага мен шубҳа билан қарайман. Олимларимиз, мутахассисларимиз бу ҳақда ўйлаб кўришлари керак.

Аёллар томорқада, аввало, ўз оилалари манфаатини ўйлаб меҳнат қилишлари мумкин бўлур эди. Уларнинг хўжалик билан муносабатлари шартнома билан расмийлаштириб қўйилса ва шунга кўра аёллар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб давлатга топширсалар, улар ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланган бўлур эдилар. Демак, бу ўринда ҳам уларга меҳнат стажи ҳисоблаш ва кейинчалик пенсия тайинлаш йўлларини топиш мумкин бўлади.

Бешинчидан. Ижтимоий сиёсий барқарорлик масаласи ҳам ҳал этилмоқда. Агар одамлар иш билан банд бўлмасалар, иш бўлмаса — бу офатдир, айниқса, ёшлар учун офатдир. Беқорчилик сабабли улар жамият учун зарарли хатти-ҳаракатларга йўл қўядилар, жиноятлар содир этадилар, безорилик қиладилар. Фарғонадаги фожиали воқеалар буни яққол кўрсатди.

Биз янги авлодни тарбияламоқдамиз, уларнинг кўпчилигининг эса касб-ҳунари йўқ, меҳнат қилишга ўрганишмаган. Бу кишилар бизнинг ўрнимизни эгаллашлари керак. Уларнинг тақдири қандай бўлади? Ким ҳозир бу ҳақда ўйлаяпти?

Биз ёшларни қишлоқ хўжалик ишига жалб этсак, бутун мамлакатга жар солиб бизни танқид қилишмоқда. Бу ишда ҳаддидан ошишлар, баъзан эса қўпол нуқсонлар бўлди ва уларга йўл қўйиб бўлмайди. Лекин шунга ишончим комилки, болаларни ёшликдан меҳнат қилишга ўргатиш керак. Ер участкалари ажратиб берадиган бўлсак ёшлар меҳнат қилишга рағбатлантирилади, улар ўзларини ер соҳиби деб ҳис этадилар, меҳнат кўникмаларини ҳосил қиладилар. Танг қоладиган ери шундаки, қишлоқлардаги ҳар беш хонадоннинг бирида бирорта ҳам чорва мол, 37 процентида сигир, ярмисида қўй боқилмаяти. Андижон, Наманган ва Тошкент областларида эса аҳвол яна ҳам мушкул.

Кўриб турибсизки, ўртоқлар, қишлоқ меҳнаткашларига ер беришдек жўн туюлган масала ҳозир ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам долзарб сиёсий аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам биз бугун икки область партия комитетининг ҳисоботини эшитишни зарур деб топдик. Яна бир карра шуни таъкидламоқчиманки, барча партия комитетлари, маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ана шу муаммолар бутун комплексини амалга оширишга ниҳоятда масъулият билан ёндашишлари зарур: одамлар ўзларини ҳаяжонга солиб турган ўткир ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этмаганимизни кўриб, яна бир карра ҳафсалалари пир бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳисобот-сайлов кампанияси бошланганлиги, халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўлажак сайлов, сайлаб қўйиладиган партия органларининг ҳисоботлари арафасида бу, айниқса муҳимдир. Булар партия ташкилотларининг ташкилий ва ғоявий бирлигини мустаҳкамлашга, барча соғлом кучларнинг жипслашувига хизмат қилиши керак. Ҳар бир партия комитети, ҳар бир партия ташкилоти ўз платформасига, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш юзасидан ўз ҳаракат программасига эга бўлиши керак. Пировардида гап партия барча бўғинларининг обрўсини тиклаш ва мустаҳкамлаш ҳақида бормоқда. Одамлар ҳозир бунга конкрет ишлар ва сезиларли натижаларга қараб баҳо бермоқдалар.

Биз, ўртоқлар, ёшлар муаммоларига кўпроқ эътибор беришимиз керак. Ҳозир республикадаги ёшлар ҳаракатининг аҳволи айниқса ташвиш туғдирмоқда. Биз бу ҳаракатга комсомолимиз бошчилик қилишини истар эдик, аммо афсус билан шуни қайд этишга мажбурмизки, комсомол кўп жиҳатдан етакчилик позициясидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Кўпгина комсомол ходимлари бюрократик тўсиқлар орқасида қолиб кетишган, қоғозбозлик билан шуғулланишмоқда, жойлардаги аҳволни дуруст билишмайди. Ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўшлиқ бўлмайди. Биз бўлмаган жойда бизнинг ўрнимизга ёшлар ва халқ билан бошқалар шуғулланадилар, буни унутмаслик керак.

Ёшларимизни бегоналарнинг қўлига ўз ихтиёримиз билан топширмаслигимиз керак. Ёшлар учун, улар чин инсон, ўз диёрининг, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварлари бўлиб ўсишлари учун фаол курашмоғимиз лозим.

Ана шулардан тегишли хулосалар чиқариб олиш керак. Авангард бўла оладиган ёшларнинг сиёсий ташкилотини қайтадан тиклаш зарур, ёшларнинг майда-чуйда ишларига аралашишдан ўртоқларча ҳамкорлик қилишга ўтиш даркор. Ҳаммамиз ёшлар орасидаги вазиятни ўрганишимиз ва билишимиз, комсомол комитетлари учун чинакам сардорларни тайёрлашимиз, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда, чинакам ватанпарварлар ва байналмилалчиларни тайёрлашда уларга ёрдам беришимиз лозим.

Пахтачилик муаммоларига ҳамда ҳозирги пайтда пахта далаларидаги аҳволга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Пахтага ажратилган майдонларнинг тўртдан бир қисмида ҳар туп ғўзада биттадан тўрттагача кўсак бор, яъни планни бажариш учун зарур бўлган ҳосилнинг ярми тўпланган.

Сўнгги кунларда далаларда иш жуда бўшаштириб юборилди. Ғўза парваришига масъулиятсизлик билан қаралаётганини кўрсатувчи мисоллар кўп. Ғўзани чанқатиб қўйиб, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши вақтида чора кўрмай, хатто тўпланган ҳосилни ҳам бой бериб қўймоқдамиз.

Сув жуда танқис бўлмоқда. Шунга қарамай, суғоришни ташкил этишда катта камчиликлар бор. Кўпинча, сув исроф қилинмоқда, экинни бостириб суғориш, қайта-қайта суғориш ҳоллари бўляпти. Сувнинг етишмаслиги ўрнини, экинни қўшимча парвариш қилиш билан тўлдириш керак.

Пахта ҳосилини машинада теришга ҳамма жойда ҳам пухта тайёргарлик кўрилмаяпти. Йиғим-терим техникасини тайёрлаш муддатлари чўзилиб кетмоқда. Ҳали тўрт мингга яқин пахта териш машинаси ишга тайёр қилинган эмас. Ғўза баргини тўктириш учун ерда ишлатиладиган аппаратлар ҳам тайёр эмас.

Бу камчиликларнинг ҳаммаси жойларда ташкилотчилик ишлаб ва сиёсий ишлар бўшаштириб юборилганлигининг, хўжалик органлари, колхозлар ва совхозлар раҳбарларига нисбатан талабчанлик сусайиб кетганлигининг натижасидир. Кўп кишиларда хотиржамлик ва лоқайдлик пайдо бўлаётганлиги бизни айниқса ташвишга солмоқда. Ишимиздаги нуқсонларни баҳордаги сўриб билан яшириб кетамиз, деган кишилар хато қиладилар. Аҳволни ўнглаб олиш, пахта етиштириш юзасидан давлат буюртмаси бажарилишини таъминлайдиган миқдорда ҳосил тўплаш учун вақтимиз бор эди ва ҳали ҳам вақтимиз бор. Ўз ишимизни ана шуни ҳисобга олиб ташкил этишимиз керак. Август-сентябрь пахтазорларда меҳнат қилаётган кишилар чарчаганлиги яққол сезиладиган ойлардир. Шу сабабли далаларда меҳнат қилаётган, ижара, хўжалик ҳисобини ўзлаштираётган кишилар тўғрисида биринчи навбатда ғамхўрлик қилиш керак. Партия ва совет органлари, бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятларини меҳнат коллективларига қаратишлари, вужудга келадиган муаммоларни ўз вақтида ҳал этишлари зарур. Дала шийпонлари ишини кучайтириш, сувчилар, механизаторлар, ишчилар ва колхозчиларнинг юқори унум билан меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиш керак.

Йиғим-терим мавсумига қадар қолган 15-20 кун ичида ҳаммамиз зўр бериб меҳнат қилишимиз, планни ближариш учун зарур миқдорда ҳосил тўплашимиз лозим.

Ғўза парваришини кучайтириш билан бир вақтда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа соҳаларидаги ишларни ҳам бўшаштирмаслик лозим. Бизда дағал хашак тайёрлаш қониқарсиз бормоқда. Хўжаликлар ўтган йилдагидан 25-30 процент кам пичан тайёрлашди. Емхашакнинг сифати ҳам яхши эмас. Буларнинг ҳаммаси планларнинг бажарилишини ҳавф остида қолдиради. Ҳар бир хўжаликдаги ишни текшириб аҳволни ўнглаш керак.

Ҳар бир областнинг ўз хусусиятлари бор, албатта. Бинобарин ёндашувлар ва ечимлар ҳам турлича бўлиши мумкин. Партия комитетлари, совет органлари меҳнат коллективларига таянниб, ишни яхшилашнинг конкрет йўлларини, усулларини аниқлаб олишлари муҳимдир.

Энди шу ерда ўтирган одамларнинг ҳаммасини ҳам, республиканинг барча аҳолисини ҳам ҳаяжонга солаётган нарсалар тўғрисида қисқача гапирмоқчиман. Гап келгуси йилда пахта етиштириш ҳажми тўғрисида боряпти. 1990 йилда 1988 йилдаги 1710 минг тонна ўрнига 1500 минг тонна пахта толаси харид қилиш режалаштирилмоқда, яъни тола 210 минг тонна кам планлаштирилмоқда. Чигити олинмаган пахтага айлантирилганда қанча бўлишини ҳар ким ҳисоблаб чиқиши мумкин. Келгуси йилда тайёрланадиган пахта миқдори ҳақида шунинг учун гапирмаяпманки, 1990 йилдан бошлаб бизда бу кўрсаткич планлаштирилмайди. Ҳар бир колхоз ва совхоз етиштириладиган пахта ҳажмини аввало ўзининг иқтисодий манфаатларидан, ўз даромадларидан келиб чиқиб, хуллас, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиб, пахта толаси юзасидан белгиланадиган топшириққа асосланиб ўзи белгилайди. Қанча ерга нима экишни ҳар бир колхоз ва совхознинг коллективи ўзи ҳал қилади, бунда ҳар бир айрим регионнинг ўзига хос хусусиятларини ва қайси соҳага ихтисослаштирилганлигини, табиат-ер шароитларидан омилкорлик билан фойдаланишни ҳисобга олади.

Яна бир муҳим масала — пахта нархи масаласидир. Биз 1990 йил плани лойиҳаси билан иттифоқ органларига икки марта учрашдик. КПСС Марказий Комитети, мамлакатимиз Министрлар Совети ва Госплани раҳбарияти билан учрашдик. Бутун масъулиятни зиммамга олиб, ҳозир шуни айта оламанки, пахта нархи масаласи яқин ойлар ичида кўриб чиқилади. Бу муаммони ҳал қилишимиз учун ҳисоб-китобларга кўра, камида 1,5 миллиард сўм талаб қилинади. Иттифоқда бу муаммога масъулият билан ёндашмоқдалар, республикамизнинг деярли бутун аҳолиси манфаатлари ва фаровонлиги ана шу муаммони ҳал қилиш билан боғлиқ эканлигини кўриб туришибди.

Ҳозир очиғини айтиш керак, биз бу ҳақда жуда кўп гапирдик ва ҳали ҳам гапиряпмиз, аммо, минг афсуски, масалани далил-исботлар билан асослаб тўғри қўя олмаяпмиз. Москвада бизга ёмон муносабатда бўлишяпти, биз ўртага қўйган масалаларни ҳал қилишмаяпти, деган гапларга чек қўйиш керак. Биз, раҳбарлар бу масалаларни қатъият билан, билимдонлик билан ўртага қўйишимиз, уларнинг ҳал этилишига изчиллик билан эришишимиз, ҳар қандай ҳолда ҳам айбни бировларга тўнкамай ва бировларнинг орқасига яширинмай, масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз керак.

Олдинда бизни жуда катта ишлар кутмоқда. Биз интизомни, яна бир карра интизомни мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қилишимиз, кадрлар масъулиятини оширишимиз, ғайрат билан, ташаббускорлик билан ҳаракат қилиб, партия ташкилотларининг обрўсини иш билан, одамларимизнинг турмушини яхшилаш билан мустаҳкамлашимиз керак.

Жамоат тартиби — қайта қуриш тақозоси

22 августда Ўзбекистон ССРда жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитетининг мажлиси бўлди. Комитетда биринчи навбатда кўриб чиқадиган муаммолар белгиланди.

Жиноятчиликнинг олдини олишда, жиноятчилик кўринишларига қарши қатъий курашга меҳнат коллективларини, кенг жамоатчиликни жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Гражданлик туйғуларини, мамлакат тақдири учун, жамоат тартибига риоя этиш, Совет давлати қонунларига оғишмай амал қилиш учун масъулият туйғусини тарбиялашнинг аҳамияти алоҳида уқтирилди.

Мажлисни муваққат комитетнинг раиси — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

(ЎзТАГ).

Айбдорлар жазоланди

Қабул этилган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш тартибида ва меҳнаткашларнинг узлуксиз шикоятлари муносабати билан 21 август куни СССР Министрлар Советида аҳолини кир ювиш воситалари билан таъминлаш тўғрисидаги масала батафсил кўриб чиқилди. СССР Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министрлиги, давлат «Агрохим» уюшмаси, иттифоқдош республикаларнинг агросаноат давлат комитетлари шу пайтгача аҳолининг синтетик кир ювиш воситаларига, кир совун ва атир совунга бўлган талабини қондиришнинг аҳволини ўнглаб олмаганликлари қайд этилди.

РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Қозоғистон ССР, Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССР Министрлар Советлари совун ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрмаяптилар, баъзи ҳолларда эса ҳатто совун ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетишига йўл қўймоқдалар. СССР Министрлар Советининг доимий органлари кир ювиш воситаларини тақчиллигини тугатишда ўз вақтида бурилишга эришмадилар.

Синтетик кир ювиш воситаларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш топшириқларини бажаришга масъулиятсизларча муносабатда бўлганлиги, бу эса мазкур энг зарур товарларнинг тақчиллигига олиб келганлиги учун СССР Министрлар Совети министр ўринбосари В. П. Ивановни эгаллаб турган лавозимидан бўшатди.

СССР Химия ва нефть химияси саноати министри Н. В. Лемаевга кир ювиш воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан зудлик билан чора-тадбирлар кўриш ва яқин вақт ичида аҳолининг шу товарларга эҳтиёжини тўла-тўкис қондиришни таъминлаш зарурлиги уқтирилди.

Синтетик кир ювиш воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўрмаганлиги ва бу ишдаги назорат сустлиги учун СССР Министрлар Совети химия-ўрмон комплекси бюроси раисининг биринчи ўринбосари А. А. Петровга ҳайфсан эълон қилинди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига маҳаллий хом ашё ресурсларидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш ҳисобига совун ишлаб чиқаришни ривожлантириш

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ҚУРИЛИШИДА

ҲИММАТ

Тошкент метросозлари Улуғ Октябрнинг ҳар бир санасини янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлашга одатланишган. Улар бу йил ҳам байрамнинг 72 йиллигида Ғафур Ғулом номли ва «Чорсу» станцияларини фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Янги ер ости йўлининг узунлиги 2,15 километрни ташкил этади. Мазкур ер ости станцияларининг фойдаланишга топширилиши пойтахт аҳолиси ва унинг меҳмонларига «Себзор» массиви «Ганга» магазини ва шаҳарнинг энг гавжум даҳаси — Эски шаҳар бозорига тезроқ етиб бориш имкониятини беради.

Метросозлар ер ости йўлини планда мўлжалланганидан икки ой олдин фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар. Тинчлик ва Беруний станцияларининг ишга туширилиши билан Узбекистон линиясининг қурилиши поёнига етказилади.

Тошкент метросозлари тармоқда биринчи бўлиб хўжалик ҳисоби асосида ишламоқдалар. Бу эса меҳнат унумдорлигини анча ўстириш имкониятини берди. Эндликда бу ерда ишлаётган қурувчилар мамлакатдаги бошқа метросозларга нисбатан икки баравар кўп маош олмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор метросозлардан сувоқчи Дониёр Қўчқоров, Алексей Петрашов, Сергей Ермоленко, Надежда Бондаренко ҳамда пайвандчи Юрий Полушкин. 2. «Чорсу» метро станциясида.

А. ГОРОКРИК суратлари (ЎзТАГ).

• *Қайта ишлаш корхоналарида аҳвол қандай?*

ХОМ АШЁ КУТИБ... СИФАТНИ УНУТИБ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ, РЕСПУБЛИКА РАДИОСИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ ВА СИФАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Ўлкамизда олтин куз эшик тақиллатяпти. Ҳадемай, ҳосил сарҳисоб қилинади. Соҳибкору сабзавоткорлар ўз меҳнатларига яраша шаҳар аҳолисининг холис баҳосини оладилар.

Деҳқонларимиз жорий йилнинг апрель ойи охири ва май ойи бошларида бевақт тушган совуқдан катта зарар кўрдилар. Минг гектарлаб майдонга экин қайта экилди ёки қўшимча парвариш қилинди. Сабзавот маҳсулотларининг ва хўл меванинг бир қанча турлари шундай экинлар сирасига киради. Табиий офат олдида ожиз бўлиб қолмай, деҳқонларимиз қўлларидан келган барча ишларни қилдилар. Хўш, дала меҳнаткашлари етиштирган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш аҳволи қандай? Консерва тайёрлаш корхоналари хом ашё сифати бузилмаслигини таъминлаяптиларми?

Ана шу саволларга жавоб излаб Тошкент областидаги қайта ишлаш корхоналарида бўлдик.

Оржоникидзе районидаги Янги Тошкент консерва комбинати дарвозаси олдида тушлик вақти бўлишига қарамай, маҳсулот ортилган машиналар кўринмасди. Тарозибон Жўра Йўлчиев сўзсиз ҳам саволимизни тушунди.

— Корхонамиз тўла қувват билан ишласа, кунига 800 тоннадан кўпроқ хом ашёни қабул қила олади. Бироқ ўзингизга маълум сабабларга кўра, маҳсулотни жуда кам оляпмиз. Мана бугун 14 август эрталабдан пешингача 60 тонна сабзавот олдик.

— Бу йилги шароит ҳисобга олинган ҳолда ҳам хўжаликлар бизга маълум миқдорда хом ашё етказиб беришлари керак, — изоҳ берди комбинат директори Аброр Қосимхўжаев. — Акс ҳолда комбинат тўхтаб қолиши мумкин. Масалан, бугун пешингача корхонага 130 тонна маҳсулот жўнатилиши лозим эди. Афсуски бунга эришиб бўлмаяпти. Шу сабабли 300 тонналик қувватни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлдик. Лекин биз қайта ишловчилар ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Вакилларимиз Тошкент области ва Фарғона водийси колхоз-совхозлари, шахсий хўжаликларидан сабзавот, мева ташиб келтириляпти. Кунига 70—80 тонна хом ашё ана шуларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бекор тургандан бекор ишла, деганларидек, корхона маъмуриятининг бу борадаги изланишларини маъқуллаш керак. Бироқ бу сайи-ҳаракат ҳам комбинатнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлай олмаяпти.

Лекин мавжуд хом ашёдан, бор имкониятдан оқилона фойдалана билиш ҳам муҳим. Рейд аъзолари ана шу масалага эътиборни қаратдилар.

Томат цехи ёнида бир неча юк машинасидан маҳсулот туширилаётган экан. Яшиклар қўлма-қўл қилиниб, ундаги помидорлар сувли линияга ағдариларди. Машина ости, ён-атрофи баъзи синиқ яшиклардан тўкилган помидорлар билан ифлосланиб ётарди. Яқинроқ бориб, бошқача манзаранинг ҳам гувоҳи бўлдик: «20—41 ТШП» номерли машинадан чириб-ачиб, пўпанак босиб кетган помидорлар яшиги билан ишлаб чиқариш конвейерига тўкиларди. Сабабини суриштирганимизда шофер-экспедитор ўзини таништиришдан ва саволларга жавоб беришдан бош тортди. Маълум бўлишича, бу хом ашё колхоз-совхозлардан келтирилган экан. Балки Луначарский шоссесида жойлашган шу комбинатнинг 2-филиалига қарашли экан. Филиал бошлиғи Ў. Абдуллаев ўз айбини бўйнига олгиси келмади.

Сифатсиз маҳсулотлар конвейерга нега ташланаётгани тўғрисидаги саволимизга комбинат директори: «Нима қилай, ташлаб юборайми?» — деб мужмал жавоб берди. Қизиқ, икки тоннадан зиёд чиқиндисифат помидор томат цехига ўтказиб юборилар экан-у, бу ҳеч кимни ташвишлантирмаса. Ахир, бундай маҳсулотлар инсон соғлиғи учун зарар эмасми? Ишлаб чиқариш конвейерлари молхона охури эмаски, дуч келган нарса унга ташлаб юборилаверса. Наҳотки, оддий санитария-гигиена қоидаларига амал қилишни комбинат раҳбарлари ўзларига эп кўришмаса?! Бу хўжасизликдан бўлак нарса эмас. Корхона лабораторияси мудири Людмила Юн эса хом ашё нега лаборатория текширувидан ўтказилмагани тўғрисидаги саволимизга сукут сақлади. Умуман, комбинатда лабораториянинг ўрни, лаборантларнинг роли сезилмаётганлиги афсусланарлидир.

Шундай фикр-мулоҳазаларни республика Министрлар Совети ёрдамчи хўжалигидан келтирилган бир машина олма хусусида ҳам айтиш мумкин. Шарбат учун келтирилган хом ашё комбинатда қабул қилинмай, уч кун туриб қолган. Натижада сифатсиз маҳсулотнинг «сифати» янада бузилган. Бунинг устига иккинчи сорт деб қабул қилинган олма сорт талабига мутлақо жавоб бермайди. Демак, унинг нархини ўзгартириш лозим эди. Бизнингча, маҳсулот сифатига қараб ўзаро келишилган нарх белгилаш хом ашё танқислиги ўрнини қоплашнинг асосий имкониятларидан бири-ку. Акс ҳолда бу йилги шароитдаги мушкул аҳволни тўғрилаш қийинлигича қолаверади.

Корхона ўтган йилга нисбатан 50 фоиз кам маҳсулот олмоқда. Иш йўқлигидан айрим цехлар ёпилди. Қўнимсизлик 22 фоизни ташкил этди. Даромад тўғрисида гап кетганда, директор бизга маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига кейинги олти ойда 50 минг сўм фойда кўрдик, деди. Қизиқ, сифатсиз мева-сабзавотдан ҳам сифатли маҳсулот олиш мумкин экан-да!

Биз Янги Тошкент консерва комбинатининг хом ашё қабул қилиш пунктидан то ишлаб чиқариш корпусларигача бўлган аҳволни кузатиб, хотиржамлик ҳукм сураётганининг шоҳиди бўлдик. Янгийўл консерва заводида эса бунинг акси. Помидор, бодринг, патиссон, бақлажон ва бошқа маҳсулотлар мунтазам бўлмаса-да, ҳар ҳолда келиб турарди. Корхона раҳбарлари бу йилги шароитда ҳам хом ашё таъминотида узилиш бўлмаслиги учун резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланаётганликларини бир қарашда сезиш мумкин. Заводда асосий ишлар механизация зиммасида. Прицепли машиналар махсус жойда тўхтаб, маҳсулотни тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш конвейерига тўкади. Идишларда келтирилган бошқа хом ашёлар эса кичик механизация ёрдамида цехларга ташилади. Алижон Фахриддинов, Виталий Видлев, Йўлдош Одилов, Ольга Колесникова сингари ишчилар кундалик топшириқларни бажаришда ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Бироқ бу ерда ҳам камчилик, муаммолар ош эмаслигини ҳис қилдик. Бизга ҳамроҳлик қилган завод директорининг ўринбосари Тўхтабой Аминовни суҳбатга тортдик.

— Корхонамиз бир кечакундузда 1200 тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга, — деди у, — агар колхоз-совхозлардан жўнатилаётган хом ашёни ўтган йилдагига қиёслайдиган бўлсак — уч баравар кам. Лекин айни кунларда маҳсулот келиши анча кўпайди. Кунига ўрта ҳисобда 600—650 тонна сабзавот ва мева қабул қилиб оляпмиз.

Биз томат цехига конвейер орқали жўнатилаётган помидор сифатини кўздан кечирамиз. Ора-сира хом, чириган помидорлар сараловчи қиз назаридан четда қолаётган эди. Тайёр маҳсулотлар цехида 60—70 банка томат брак қилинганди.

— Тўғри, бракка йўл қўймаслигимиз керак, — изоҳ берди технолог Алижон Тулепберганов. — Лекин бундай ҳолга барҳам беролмаяпмиз. Конвейерга сифатсиз маҳсулотлар аралашиб кетаётганлиги хусусида эса шундай демоқчиман: хом ашёни қабул қилувчилар масъулиятини ошириш керак. Сараловчилар штатини кўпайтириш учун бизда ишчи кучлари етишмайди. Бундай манзарани бақлажон икраси ишлаб чиқарадиган линияда ҳам кўриш мумкин.

Тайёр маҳсулотларни ортиб жўнатиш майдонида юк ортувчи Дўстмуҳаммад Мирзаев билан суҳбатлашиб қолдик.

— Бригадамизда ўн нафар ишчи бор, — деди у. — Улар кунига 1,5—3 минг яшикни вагонларга ортиб, манзилга жўнатадилар. Лекин ҳамма иш қўлда бажарилади. Масалан, бир вагон (2 минг яшик) шиша идишларни тушириш учун бригадага 27 сўм тўлашади. Уни ўн ишчига тақсимлаб кўринг-чи, масала ойдин бўлади. Демак, пешингача вақтни олган ушбу юмуш учун ҳар бир ишчи 2 сўм 70 тийиндан ҳақ олади. Бу жуда кам.

Заводда бутун ишлаб чиқариш жараёни механизациялаштирилгани ҳолда, тайёр маҳсулотларни ортиб-жўнатиш ва тушириш ишлари мардикорлик усулида ташкил этилгани билан келишиб бўлмайди. Тайёр маҳсулотлар эса бир неча йиллардан буён очиқ ҳавода сақланиб келмоқда. Бу — завод раҳбарлари жиддий ўйлаб кўришларига арзийдиган масала.

Умуман, ҳар икки корхонада ҳам ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Уларни бартараф этиш куч-ғайратни бирлаштириш зарурлигини тақозо этади. Жумладан, қайта ишлаш корхоналарига жўнатилаётган маҳсулотлар даланинг ўзида сараланишига эришиш даркор. Колхоз-совхозлар сифатли хом ашёни аввал бозорга, кейин дўконларга, энг ёмонини консерва заводларига жўнатишдан тийилишлари лозим. Акс ҳолда шаҳарликлар дастурхонини кўнгилдагидек таъминлаб бўлмайди.

Барча маҳсулотлар сортларга ажратилиши ва уларнинг сифати, нитрати қай даражадалигини акс эттиручи — сертификатлар билан жўнатилиши талаб қилинади. Ҳозирча бунга амал қилинмаяпти. Ўз навбатида қайта ишлаш корхоналари ҳам стандарт талабларига жавоб бермайдиган хом ашёни қабул қилмасликлари керак. Шундангина аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин бўлади. Бу мулоҳазаларни республика агросаноат давлат комитетидаги мутасадди ўртоқлар мушоҳада қилиб, жиддий хулосаларга келадилар, деб умид қиламиз.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

И. НОРМАТОВ,
республика радиоси саноат бош редакцияси муҳаррири.

А. ИКРОМОВ,
Тошкент область халқ контроли комитети инспектори.

З. УМАРОВ,
Р. ТАГАНОВ,
область агросаноат комитети маҳсулот тайёрлаш ва сифат бўйича давлат инспекцияси инспекторлари.

Ушбу темадаги эшиттиришни 23 август соат 10.15 да республика радиосининг биринчи программаси орқали тинглашингиз мумкин.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети коллегиясида

СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг коллегияси давлат хавфсизлиги органларининг контрабандага ва валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларнинг бузилишига қарши курашини кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Коллегия мажлисида чекистларнинг ана шу соҳадаги фаолияти муҳим сиёсий аҳамиятга эга эканлиги ва ҳозирги шароитда қайта қуришнинг иқтисодий, социал ҳамда аҳлоқий жиҳатлари билан мустаҳкам боғланган бўлиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Контрабанда ва валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларнинг бузилиши уюшган жиноятчилик билан боғланиб, бундай жиноятчиликнинг кўпайиб бораётганлиги вазиятни жиддий равишда чигаллаштирмоқда. Уюшган жиноятчи гуруҳлар давлат, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларини бевосита пора билан қўлга олишга уринаётганликлари кузатилмоқда. Контрабандачилар ва валюта билан шуғулланувчиларнинг ҳаракатлари тобора кенг тус олмоқда ва умуман жамиятимиз манфаатларига даҳлдор бўлмоқда. Жиноий фаолиятга совет кишиларининг турли категориялари, айниқса ёшларнинг вакиллари жалб этилмоқда.

Коллегия чекистлар фаолиятининг ана шу соҳасидаги ишларни таҳлил этиб, кейинги беш йил давомида Давлат хавфсизлиги комитети органларининг тергов бўлинмалари текширган жиноий ишлар юзасидан совет гражданлари ва чет эллик контрабандачилар ва валюта билан шуғулланувчилардан бир ярим мингдан ортиқ киши жавобгарликка тортилганлигини таъкидлади.

Шу билан бирга чекистлар аппаратларининг контрабанда ва валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларнинг бузилишига қарши курашиш соҳасида камчиликлар мавжуд.

Коллегия контрабанда ва валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузишга қарши курашни Совет давлатининг иқтисодий ва социал-сиёсий системасини ҳимоя қилиш юзасидан давлат хавфсизлиги комитети бўлинмалари оператив хизмат фаолиятининг муҳим йўналиши давлат хавфсизлиги органларининг мамлакатдаги уюшган жиноятчиликни тар-томири билан туғатишга ва совет жамиятининг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишга қўшадиган жуда катта ҳиссаси, деб баҳолаш зарурлигини белгилаб берди.

Давлат хавфсизлиги комитетининг бўлинмалари — разведка, контрразведка, тергов аппаратлари, чегара қўшинлари ва бошқа хизмат муассасалари олдига оператив контрабандага, валюта операциялари тўғрисидаги қоидалар бузилишига ва уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган оператив хизмат фаолиятини такомиллаштиришга оид конкрет вазифалар қўйилди. Ана шу соҳадаги амалий чоралардан бири сифатида тегишли чекистлар бўлинмаларини қўшимча равишда юксак профессионал ва маънавий-психологик фазилатларга эга бўлган тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

Коллегиянинг қарори Давлат хавфсизлиги комитетининг марказдаги ва жойлардаги бўлинмалари зиммасига шу ишнинг аҳволи тўғрисида партия ва совет органларини ўз вақтида хабардор қилиш вазифасини юклайди.

(ТАСС).

• *Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак*

Жувозингиз борми?

Навоий районидаги «Қизил Октябрь» колхозида ўтган йили жувоз ишга туширилди. Хўжалик шу йили биргина чигит ва кунжутдан 110 тонна тоза ёғ олди.

— Ҳозир ёшларимизнинг кўпчилиги жувозни тасаввур ҳам қилишолмайди, — дейди колхоз правлениеси раиси Раҳим ака Исмоилов. — Болалигимдан отам билан жувоз ҳайдаганим туфайлими ё бошқа сабабми, хўжаликка келиб ишлай бошлагач, уни қайта тиклаш фикри тинчлик бермади. Бўлим бошқарувчиси, кейинчалик агроном бўлиб ишлаганимда ҳам бу истак хаёлимдан кетмади. Хўжаликнинг илгариги раҳбарларидан нолиш эмас-у, аммо бу ишни олдинроқ ҳам ҳал қилиш мумкин эди. Хайрли ишнинг кечи бўлмас экан. Мана, жувоз ҳам қурилди.

Буни қайта қуришнинг мўъжаз бир маҳсули десак хато қилмаймиз. Негаки 1963 йилнинг бир воқеаси эсимда. Отам билан жувоз ҳайдаётгандик. (Ўша даврларда бу яширинча амалга ошириларди). Шу пайт участка инспектори келиб қолди. Бизни қолоқликда, техника кучига ишонмасликда, ҳатто эскиликни қўмсашда айбладди. Шу-шу жувоз бутунлай қўмиб юборилди. Кўпгина урф-одатларимиз, амалий санъатимиз каби жувоз ҳам унутилди. Биз буни янги жувоз қураётганда яна бир карра ҳис этдик.

Аввало, от бемалол айланадиган катта бир бино қурдик. Пенсияга чиққан механик Ғиёс Шарипов жувозчи қилиб тайинланди. Чунки у жувоз қўшишни ҳали унутмаган эди. Гужумдан кунда ясаб, хона ўртасига ўрнатди. Лекин кунда кўзлангандай чиқмади. Билганлар ҳам кўздан кечиришиб, тузукроқ маслаҳат беришолмади. Шундан сўнг Гиждувондан кекса бир устани таклиф қилдик. У пичоқ билан қунданинг бир четидан арзимаган кемтик ясади. Жувоз ишлаб кетди.

Илгари жувозимизда ёрғичоқ бўларди. Уни кўп изладик. Тополмагач, шу ҳажмда бетондан қуйдирдик. Жувоз қуришга сарфланган харажатлар 500 сўмга борган эмас.

Ўтган йили бир гектар майдонга кунжут эккандик. «Нарпай» совхозидан 1,5 тонна чигит сотиб олдик. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозир ҳам колхозчилар учун жувозмой сотилмоқда.

Шунингдек, одамлардан қовун-тарвуз уруғлари ҳам йиғиб олинмоқда. Маълумки, бизнинг шароитда ҳар бир оила йилига 200—300 килограммгача қовун-тарвуз истеъмол қилади. Шу туфайли колхоз йиғинларида, радиоузел орқали полиз маҳсулотлари уруғларини исроф қилмаслик, йиғиб жувозга тошириш маълум қилинди. Ҳозир ҳеч ким бундай уруғларни ташлаб юбормайди. Эвазига тоза мой олади. Ўтган йили Навоий шаҳрида ўтказилган ярмаркага жувоз мойи олиб чиққан эдик. Талаб бўлиб кетди. Шунда ўйладимки, жувоз маҳсулотини кўпайтириш, ҳатто яна битта жувоз қуриш мумкин экан. Чунки бу йил 5 гектар жойга кунжут, 2 гектар майдонга зиғир экдик. Бу майдонлар йил сайин кўпайиб бораверади.

Жувозчига битта от берилган. Ем- ҳашак ҳам колхознинг зиммасида. Умуман, ҳисоб-китобларга қараганда, барча сарф-харажатлардан ташқари колхоз ҳамёнига ойига 30—40 сўм тушади. Бу — арзимаган пул. Аммо биз ҳозир жувоздан фойда кўзлаётганимиз йўқ. Муҳими, аҳолини шифобахш ўсимлик мойи билан таъминлаш.

Э. БОЛИЕВ.

РЕДАКЦИЯДАН: маълумки, бугунги кунда республикамизнинг қатор хўжаликларида мойжувозлар ишлаб турибди. Бироқ уларга нисбатан эътибор ҳали талабга жавоб бермайди. Жувозларга иккинчи даражали юмуш, деб қаралмоқда. Унда мойн олинадиган қишлоқ хўжалик экинлари жуда кам экиляпти. Маълум бўлишича, илгарилари чорвачилик районларида ҳам мойжувозлар ишлаган.

Энди уларни ҳам, зарур хом ашёни ҳам кўпайтириш керак. Эҳтимол, жувозларни от билан эмас, электр энергияси билан ишлатиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрилар? Республика Давлат агросаноат комитети мутахассислари, область ва районлардаги мутасадди кишилар, кенг жамоатчилик бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилсалар яхши бўларди.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

Таклиф ва мулоҳазалар

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ҲАҚИДА

● Иқтисодий ислоҳотни тарғиб-ташвиқ қилиш газетанинг асосий мавзуи бўлиб қолиши керак.

В. ҚУРБОНОВ,
Фарғона области.

● Гап кўп-у, лекин амалда иқтисодни яхшилаш бўйича олдинга силжиш сезилмаяпти.

Ш. ЖУРАЕВ,
Узбекистон области.

● Иқтисодий ислоҳот экономиканинг барча соҳаларида дадил амалга оширилиши тарафдориман.

А. НАХШИТАНДИЕВ,
Бувайда области.

● Республика экономикасини кўтариш ҳақида кўп гапирмай, ишлаш керак.

Ш. РАҲМОНОВ,
Қарши области.

● Газетада йирик иқтисодчилар ва олимларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф-истаклари, шунингдек, республика Давлат план комитетининг позициясини ёритиб бориш лозим.

Л. ТУРСУНХЎЖАЕВА,
Андижон шаҳри.

•*Қирғизистондан хат*

БОБУРНИНГ ЎШДАГИ УЙИ

Ўш нафақат Фарғона водийси, балки Ўрта Осиёдаги кўҳна шаҳарлардан бири ҳисобланади.

Ўзининг гўзал табиати, зилол сувлари ва хуш ҳавоси билан бу шаҳар кўпчиликни ўзига мафтун этиб келди. Ана шулардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур эди. «Бобурнома»ни қўлга олиб ундаги битикларга кўз югуртирар эканмиз, қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «Қўрғон (Ўш) нинг шарқи-жанубида бир мавзун тоғ тушубдур... Ушбу тоғнинг тумшуғуда тарих тўққиз юз иккида бир айвонли ҳужра солдим...».

«Бобурнома»да тилга олинган Сулаймон тоғи ҳозир ҳам ўз кўркини йўқотмай, бу ерга келаётган минглаб зиёратчиларга завқ-шавқ бағишламоқда. Фақат унинг чўққисидаги Бобур қурдирган Оқ уй энди йўқ. Сулаймон тоғи ардоқлаб, асрлар оша бошида кўтариб келган бу ҳужрани афсуски, асрай олмадик. У бундан чорак аср илгари бир кечада ғойиб бўлди.

Олтмишинчи йиллар воқеасига назар солар экансан, ўша пайтдаги айрим атеистларнинг дин олдида нақадар ожиз бўлганликларидан ажабланасан, киши. Йўқса, динга қарши тушунтириш йўли билан кураш олиб бориш ўрнига, уларга ўчакишиб халқимизнинг маънавий бойлиги, нюёб обидаси ҳисобланган Бобур уйини буздириб юборишмаган бўларди. Ваҳолонки, бу бино Мирзо Бобурнинг ўз ватани — Фарғона водийсида қуриб қолдирган яккаю-ягона ёдгорлиги эди.

Кўпчиликнинг норозилигига қарамай, тўрт ярим асрдан мўлроқ вақт мобайнида Сулаймон тоғига ҳусн бағишлаб, ўшликларнинг чинакам фахри бўлиб келган бу нодир ёдгорлик ер билан яксон қилинди. Аммо, бузғунчилар ўйлаганидек бу билан зиёратчилар оқими тўхтаб қолмади.

Орадан чорак аср вақт ўтибдики, бу воқеа кишиларни ҳамон изтиробга солиб келмоқда. Улар шу кунга қадар бинони қайта тиклаш истаги билан яшаб келишди. Бироқ турғунлик даври бунга йўл бермади. Халқнинг авлодлар қолдириб кетган катта бойлик — тарихий ёдгорликка бўлган эътиқоди барибир сўнмади.

Ўтган йили Бобур уйини қайта тиклаш ташаббуси билан чиққан ўшлик бир гуруҳ ветеранлар халқнинг тили учида турган сўзни айтишди: Бобур уйи тикланиши керак! Ўш шаҳар ижроия комитети қошида жамоатчилик асосида ишловчи ёдгорликни қайта тиклаш кенгаши тузилди. Кенгаш буюртмасига кўра, Қирғизистон ССР Маданият министрлиги қошидаги илмий-лойиҳа бюросида Бобур уйи қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Кўпчиликнинг талабига кўра, банкда махсус жорий счёт очилди. Шу кунга қадар бу счётга аҳолидан 100 минг сўмдан ортиқ пул тўпланди. Бунда ўзбекистонликларнинг ҳам ҳиссаси бор. Жумладан, Узбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров бу эзгу ишдан хабар топиши билан Бобур уйи фондига биринчилардан бўлиб пул ўтказди. Шуларнинг ўзиёқ халқнинг ноёб обидага бўлган эътиқодини намойиш этиб турибди.

...Сулаймон тоғи чўққисида янграган карнай-сурнай овози эрта тонгданоқ бутун шаҳарга акс-садо таратиб, эзгу ишнинг бошланишидан дарак берди. Тоғ этагидаги Бобур уйини тиклаш штабининг бошлиги М. Эшматовни бажарилган ишларни ҳисоб-китоб қилаётган бир пайтда учратдик.

— Қўзланган мақсадга эришдик, — дейди бошлиқ. — Ҳашарда ҳаммаси бўлиб беш мингта яқин киши иштирок этди. Улар орасида тоғ атрофида истиқомат қилувчи аҳоли. Ўш педагогика институтининг студентлари, ўрта-махсус, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, комсомол ёшлар. Ўш шаҳридаги бир қатор корхона ва муассасаларнинг вакиллари кўпчиликни ташкил қилди. Уларнинг ёрдамида фақат қўл кучи билан 17 минг донадан ортиқ йирик ўлчамдаги ғишт ва бошқа қурилиш материаллари олиб чиқилди.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Бобур уйини тиклаш мақсадида ўтказилган халқ ҳашарининг қиммати фақат бажарилган ишлар кўлами билангина ўлчаниб қолмайди. Фарғона водийсида нотинч вазият ҳукм суриб турган бир пайтда халқ ташаббуси билан бу ҳашарнинг ўтказилиши Ўш областида яшаётган барча миллат вакилларининг бир-бирига бўлган самимий муносабати, дўстлиги ва ҳамфикрлигини яна бир бор исботлаб берди. Кўпминг кишилик бу ҳашарга ўзбек, қирғиз, рус, украин, татар, тожик, қўйингки, Қирғизистон жанубида яшаётган барча миллат вакиллари муносиб ҳисса қўшишди.

Сулаймон тоғи чўққисидаги Бобур уйи аста-секин кўкка бўй чўзмоқда. Ўшликларнинг ишончи комилки, у тез орада ўзининг асл қиёфасига кириб, халқнинг ноёб обидаси сифатида авлодларга мерос бўлиб қолади.

А. ИСҲОҚОВ,
Ўш область «Ленин йўли» газетаси бўлим мудири.

Журналистлар билан учрашув

21 август куни совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган навбатдаги брифинг СССР Ташқи ишлар министрлигининг Афғонистонга доир баёнотини ўқиб эшиттириш билан бошланди.

СССР Ташқи ишлар министрлиги ахборот бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ю. А. Гремитских журналистларнинг саволларига қайтарган жавобида ПХРда ҳукумат тузиш муаммосига тўхталди. Биз илгари бир неча бор айтиб ўтганимиздек, деди у, ПХР ҳукуматини тузиш поляклларнинг ички ишидир. Айни пайтда биз бунга бефарқ қарамаймиз, чунки Польша бизнинг қўшнимиз ва иттифоқчимиздир. Мамлакатларимиз ва халқларимиз гитлерчилар фашизмига қарши бирга жанг қилдилар, илгаридан мустаҳкам муносабатлар билан боғланганлар. СССР билан ПХР турли соҳаларда кенг ҳамкорликни амалга ошириб, халқаро ишларда фаол баҳамжиҳат ҳаракат қилмоқдалар.

Совет Иттифоқидагилар Польшадаги вазиятнинг ривожланишини диққат билан кузатиб турибдилар ва мазкур мамлакатнинг сиёсий кучлари мамлакатни тангликдан олиб чиқиш имконини берадиган ечимларни топиш манфаатларини кўзлаб амалий иш кўрадилар ва вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини белгилайдилар, деб умид қилмоқдалар.

Брифингни олиб борувчи Чехословакия ва унинг тевараги да 1968 йилда бўлиб ўтган воқеаларга Совет томони қандай баҳо бериши тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, ана шу воқеаларга даврнинг сиёсий ва халқаро нуқтаи назаридан ажралган ҳолда холисона баҳо бериш мумкин эмаслигини таъкидлади. Ана шу воқеаларнинг ички жиҳатларини таҳлил этиш, деб давом этди у, бизнинг назаримизда, ЧССРга тааллуқли ишдир. Воқеаларни тушуниш ва ташқи дунёнинг унга муносабати кўп жиҳатдан икки ҳарбий сиёсий блокнинг ўша пайтдаги мухолифлик даражасига боғлиқ бўлди. Совет томонининг ана шу воқеага ҳозирги пайтдаги ёндашувига келганда, олий даражадаги бир қанча баёнотлардан кўриниб турибдики, биз иттифоқнинг иттифоққа қарши, шунингдек иттифоқ ичкарисида куч ишлатишни ва куч билан, ва энг аввало ҳарбий куч билан дардга қилишни мутлақо рад этамиз.

Ташқи ишлар министрлигининг вакили Финляндия матбуотидаги Финляндия парламентининг миллий коалицион партиядан депутат Т. Холвитиенинг «Совет Иттифоқидан Карелия территориясининг бир қисмини сотиб олиш» тўғрисидаги «таклифи»га доир хабарлар хусусида гапириб, Совет Иттифоқи ўз территориясини сотмайди, деди. Урушдан кейинги чегаралар бузилмас бўлиб қолиши зарур.

(ТАСС мухбири).

Ахборот

Меҳнат аҳли учун

● Тяньшань тоғлари этакларида, Чорвоқ денгизи соҳилидаги Хўжакент қишлоғида очилган янги пансионат ўз бағрига дастлабки дам олувчиларни қабул қилди. Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бинокорлари бу ерда барча қулайликларга эга бўлган тўрт қаватли бино бунёд этдилар. Улар пансионат иккинчи биносини ҳам пардозлашга киришдилар. Бу бино келаси йил баҳор фаслида дам олувчиларни қабул қилади.

Янги усул асосида

● Республика уй-жой-коммунал хўжалиги министрлигида ишлаб чиқилган лойиҳалаш-жорий этиш маркази тармоқ ходимларига иқтисодий мустақиллик сабоғини бермоқда. Унинг мутахассисларидан бошқарув ва меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини жорий этиш юзасидан маслаҳатлар олиш, ҳақ тўлаш, нарх-наво, ишчи ўринларини аттестациядан ўтказиш масалаларини улар ёрдамида ечиш мумкин. Бу ерга рентабелликнинг қўшимча манбаларини қидираётган корхоналар ҳам мурожаат этишмоқда, зарур норматив ҳужжатларга буюртмалар беришмоқда.

(ЎзТАГ).

• Ихтиро

Ҳавони булғатмайдиган машина

Тошкентлик ихтирочи Л. Д. Меркушев яратган машина атроф-муҳитни заҳарламайди. Электрогибрит бензин ёнилғисида ҳам, электротягада ҳам бирдай ишлайверади. Олди қисми холодильникники, руль бошқармаси ва ғилдиракларга мотоколясканики, двигатель эса «Запорожец»ники — ҳулласи машина моҳирлик ва билимдонлик билан йиғилди.

— Бир процент водород аралашмаси 10—12 процент бензинни иқтисод қилишини ҳисоблаб чиқдим, — дейди Леонид Дмитриевич, — оддий машиналардаги аккумулятор эса шундай аралашмани жуда кам миқдорда ишлаб чиқаради. Машинага 24 та банкаси билан тўртта аккумулятор ўрнатдим. Демак, керакли аралашма зарур миқдорда ишлаб чиқарилади ва ишга киришади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг физика-техника институти лабораториясида ҳисоблашимча бу машина 25 процент бензинни иқтисод қилиши мумкин. Лекин мен у вақтда кислород, водород аралашмасидан фойдаланмаган эдим. Ўйлашимча, ҳозир кўпроқ миқдорда иқтисод қилиш мумкин.

Москвадаги Олимпиада ўйинлари ўтказилган йилда яратилган машинага ихтирочи «Олимпиада» деб ном берди. Лекин ГАИ ходимлари машинани уч йилдан кейингина рўйхатдан ўтказишди. Орадан 6 йил ўтгач эса «Олимпиада» Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси павильонларининг биридан ўрин олди. Унинг автори ўз машинасида жуда узоқ йўлни босиб ўтди. Эндиликда унинг ихтироси мутахассислар эътиборини тортмоқда.

Суратда: Л. Д. Меркушев ва у ихтиро қилган машина.

А. КОШКИН суратси (ЎзТАГ).

• Янги асарлар

ИҚРОР

• Ҳикоя

Алмат ака халқ таълими бўлимидан кўнгли кўтарилиб чиқди. Оғир бир юк, атрофни қуршаб олган мана шу оқсоч тоғлардай, залворли ташвиш анчадан бери унинг елкасидан қаттиқ босиб турар эди. Энди у ўзини қушдай енгил ҳис қилди.

Истироҳат боғи томонга юрди. Ёлғиз қолгиси, ўзи билан ўзи суҳбатлашгиси келди. Кекса чинор тагидаги скамейкага ўтирди. Чинорнинг сарғайган барглари «ширт» этиб узилади-да, пирпираб ерга учади. Шапалоқдай барг Алмат аканинг ёнгинасига тушди. У баргни қўлига олди: сап-сариқ. «Ҳаёт қонуни... Шу барг баҳорда тангадай яп-роқ ёзади. Ўшанда одамнинг дилини яйратади. Энди бўлса... Ҳеч ким эътибор бермайди. Балки босиб, эзгилаб ўтади. Инсон ҳаёти ҳам... Умрнинг кузи... Уни пайқаганлар бор, пайқамаганлар бор. Қай бири маъқул?».

Барг бандидан ушлаб юзига сийпалади. Нигоҳи ҳамон чинор шохларида, чети йиртилган сап-сариқ барг унинг диққатини тортди. У нима учундир дириллар эди. Қизиқ... Нега титраяпти? Яшаш учун курашиш керак дегани шуми? Наҳотки? Балки тўғридир? Мен-чи? Бўйин бердимми? Умр кузини эрта тан олдимми? Бўлмаса нега ариза ёздим?

Алмат аканинг хаёли ҳозиргина район халқ таълими бўлими мудири билан бўлган суҳбатга кўчди. Мудир Алмат аканинг аризасини ўқимади. Бу масалада олдин ҳам бир неча марта келган, ҳар гал «Ўйлашиб кўрамиз», деб қайтариб юборган.

Мудир Алмат аканинг озғин, ажин босган юзларига, маъюс кўзларига боқди. Бу кўзларда зиғирнинг гулича бўлса-да, сохталик сезмади.

— Хўш, сабаби нима ўзи, домла? Очиғини айтинг-чи? Ёки бирор гап ўтдими? — деди мудир.

Алмат ака ўтирган жойида бир қўзғалиб қўйди.

— Нимага ундай дейсиз. Ҳеч гап ўтгани йўқ. Коллективимиз яхши, ҳамма ҳурмат қилади.

— Шундай бўлса ишлайвермайсизми?

— Қобилиятли ёшлар бор. Биз энди кексайиб қолдик.

— Биринчидан, ҳали бақувватсиз, иккинчидан ,қари билганни пари билмас, дейдилар. Сизнинг мактабга келиб-кетиб, у-бу ишларга бош бўлиб туришингиз коллективнинг бахти-ку...

Алмат ака қўлидаги баргни икки бармоғи орасида айлантирди. «Бахт. Уни ким қандай тушунади? Мендай кекса ўқитувчи, унинг устига мактаб директоридан саволига жавоб ололмаган ўқувчи нима деб ўйлайди?...»

Дарсдан кейин савол-жавоб бўлди. Суҳбат адабиётнинг бугуни аҳволи, ҳозирги ёш шоир ва ёзувчилар ижоди ҳақида борди. Ўқувчилар кўп янги номларни санашди. Уларнинг шеърларидан ўқиб беришди, китоблари хусусида фикрларини айтдилар. Очиғи, Алмат ака бироз довдираб қолди. Бу ёшларнинг кўпини эшитган, у-бу нарсасини ўқиган бўлса-да, тан олиш керак, ижодини тўлиқ билмас эди. Шунинг учун ўқувчиларнинг саволларига аниқ жавоб беролмади, чайналиб қолди.

Ўша куни дарсдан жуда ҳорғин чиқди. У бутун муаллимлик фаолиятида кўп қийинчиликларни бошидан кечирди, оғир йилларда, қийин шароитларда дарс берди. Лекин бирон марта чарчаганини, руҳи тушганини эслайолмайди. Бугун жуда эзилди. Умрида биринчи марта ўзини ожиз сезди. «Демак, бизнинг давримиз ўтибди-да...» Хаёлига келган биринчи фикр шу бўлди. «Ўқувчиларнинг саволига жавоб беролмаган, лоақал улар билган нарсани билмаган ўқитувчи ўқитувчими? Дарсликдаги гапларни ўқиб бериш билан иш битмайди».

Ўз устида ишламайдиган, билимини ошириб, янгиликлардан хабардор бўлиб бормайдиган ўқитувчиларни Алмат ака аямас, буни сира яширмай, уларнинг юзига айтар эди.

Бугун эса ўзи... «Қачондан бери шундай бўлиб қолдим? Балки анча бўлгандир, сезмагандирман? Нега энди ўсиб келаётган авлоднинг фикрини ўтмаслаштирамиз? Уларнинг мулоҳазасини нима учун ўз қолипимизга солишимиз керак? Ўқувчиларнинг келажаги, тақдири менга, менга ўхшаганларга боғлиқ-ку. Йўқ, энди тамом! Ҳар кимнинг ўз даври бўлади. Аммо бу давр мутлақ эмас! Буни тушуниш, англаш даркор. Кимки буни ўз вақтида тушунса, ҳаётнинг шиддатли оқими билан баравар сузишга қудрати етмаганлигини пайқаб, ўзини қирғоққа олса — шунинг ўзи бахт!...»

Директор шулар ҳақида ўй суриб ўтирганди, эшик тақиллади. Дарҳол ўзини қўлга олди, костюмини, галстугини тўғрилади.

— Мумкинми, домла?

Уч йил бурун университетни битириб келган ёш адабиёт муаллими эшикни очди.

— Келинг.

Ёш ўқитувчилар орасида Алмат аканинг собиқ ўқувчилари анчагина. Директор уларнинг ҳаммасига бир устоз каби меҳрибонлик қилар, зарур маслаҳат ва кенгашини аямас эди. Мана бу йигитга эса унинг ҳурмати ўзгача. Бу ҳам адабиётчи бўлгани учунми, камтар, ишчанлиги туфайлими — ҳар қалай Алмат ака аниқ сабабини билмайди — лекин алоҳида бир меҳр билан яхши кўради. Ҳозир юраги сиқилиб, ўзи билан ўзи баҳслашиб турганда севимли шогирдининг кириб келиши унинг айни кўнглидаги иш бўлди. У ўрнидан туриб, шогирдига пешвоз юрди.

— Бир маслаҳат бор эди, домла.

— Ўтиринг-чи. Хўш нима экан?

— Районимизга бир-икита ёш шоирлар келишибди. Уларни мактабимизга чақириб учрашув ўтказсак. Баҳонада адабиётимизнинг бугунги аҳволи билан яқинроқ танишар эдик. Улардан кўп нарса сўраб-билиш мумкин. Ўқувчиларимизга ҳам нафи тегади.

Синфдаги савол-жавоб Алмат аканинг ёдига тушди. Лекин буни шогирдига сездирмади.

— Майли, — деди лоқайдлик билан. Кейин қўшимча қилди: — Кимлар экан?

Муаллим районга келган ёш шоирларни айтди. Алмат ака бармоқларини стол устида ўйнатар экан, «о, жуда яхши, зўр шоирлар, улар билан учрашув ўтказиш керак, жуда яхши...», деди. Аслида уларнинг бironтасини ҳам тузукроқ билмас эди.

— Бўпти, гаплашиб келинг, — деди. — Қачон ўтказмоқчисиз учрашувни?

— Эртага чақирсам девдим.

— Майли. Мени эртага облонога чақиришган. Завучга тайинлайман, биргаликда уюштиринглар. Агар уларнинг ёнида китобидан бўлса, кутубхонамиз учун дастхат ёздириб олинг.

Ёш муаллим бироз бўшашди.

— Сиз қатнашмасангиз қандай бўлади?

— Зарари йўқ. Нима қипти? Мен бормасам бўлмайди-да. Индинга ўтказайлик десам, уларнинг вақти борми-йўқми, балки кетиб қолишадими?

— Облонога бир кун кейин борсангиз-чи. Ўзингиз иштирок этганингизда яхши бўлар эди-да. Ҳам директор, ҳам тажрибали адабиёт ўқитувчиси. У шоирларни яхши биласиз...

Ёш муаллимнинг охирги сўзлари Алмат акага киноя каби эшитилди. «Шоирларни яхши биласиз». У ҳозир овозини борича «Йўқ, мен ҳеч кимни, ҳеч нарсани билмайман! Менинг даврим ўтди!» деб бақиргиси, шу билан кўнглини сал бўшатгиси келди. Бироқ Алмат ака... Алмат Муродов учун бундай қилиш ярашмас, ярашмайдигина эмас, умуман аҳлга сиғмайдиган бир гап эди. Унинг кучли иродаси, кенг мулоҳазаси, катта ҳаётий тажрибаси ҳар доимгидек бу safar ҳам бир лаҳзалик енгил ҳиссиётдан устун чиқди. Ўрнидан оғир турди-да, шогирдининг ёнига келиб, елкасига қўлини ташлади.

— Тушунаман, ўғлим, — деди у оталарча вазминлик билан, — лекин сиз ҳам мени тушунинг: мен учрашувда қатнашолмайман. Бунинг учун мен эртага облонога бориш-бормаслигимнинг аҳамияти йўқ!... Сабабини сўраманг. Мавриди келса айтарман.

Бу гапдан ёш муаллим ҳайратга тушди. «Нима гап ўзи? Бу гапларни Алмат ака айтаяптими? Қулоқларига ишонмади. Рўпарасида турган одам ўша — ўзига илк бор ҳарф ўргатган, қалбида адабиётга иштиёқ уйғотган, қанча-қанча ёшларга устозлик қилган, посёлкада етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма домла, деб ҳурмат қиладиган Алмат Муродов турганига шубҳа қилгандек унга синчковлик ила тикилди. Буни Алмат ака сезди. У ҳам шогирдининг жавдираб турган кўзларига қаради-да:

— Шундай ўғлим! — деди.

...Алмат ака чуқур хўрсинди. Чинорнинг кўм-кўк баргига термулди. «Хўш, ўша ёш муаллим қандай тушунади бу бахтни? Бахт эмиш. Юз меҳри — иссиқ қабилида индамай юришганини, юзига солмаётганини бахт, деб ўйлаш керакми?...»

...— Балки, шундайдир, — деди Алмат ака. — Лекин мен учун бундай бахтни кўтариш оғир. Ўйинга ярамай қолганини сезиб ўзини четга олиш, ёшларга ўрин бериш даркор. Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаб, кўзга чиққан говмичадай хунук кўриниб юриш наҳотки бахт бўлса?

Мудир ўйланиб қолди. Алмат акага синовчан разм солди. У нигоҳини бир нуқтага қадаб, индамай ўтирар эди. Мудир охирги марта Алмат аканинг қўйнига қўл солди.

— Мен сиздан буни кутмаган эдим, — деди ранжиган оҳангда. — Сизни сираям шунақа одам деб ўйламовдим. — Алмат ака ялт этиб мудирга қаради. Унинг бу қарашида «Мен қанақа одам эканман? Нима демоқчисиз?», деган кескин савол зоҳир эди. Мудир эса буни сезмаган каби ўсмоқчилади. — Наҳотки, шу қадар шахсиятпараст бўлсангиз?

Алмат ака аввал оқарди, кейин... қизариб кетди. Илкис нима дейишини билмай қолди.

— Бу нима деганингиз? — деди ниҳоят.

Мудир иложи борича ўзини жиддий тутишга, ҳазилни сездирмасликка ҳаракат қилди. Гапириш оҳангини ҳам ўзгартирмади.

— Тўғри-да! Шаҳсий ҳаловатингизни ўйлаб ҳаммасидан воз кечяпсиз. Жамият манфаатидан ўзингизни олиб қочяпсиз. Бошқа мактабларда шундай ўқитувчилар борки, пенсияга чиққанига бир неча йил бўлганига қарамай, ишламасликни хаёлига ҳам келтирмайдилар. «Кўп йиллик ҳалол хизматларингиз эвазига энди ҳордиқ олингилар», деб қанча айтдик. Аммо улар «Танамда жоним бор экан, жамият учун, халқ учун хизмат қиламан! Майли, мурдам чиқсин мактабдан», дейишади. Уларни ҳақиқий педагог, жамият учун, халқ учун умрини бахшида қилган фидойилар деса бўлади. Сиз эса ҳали ўшалардан ёшсиз, лекин «Кексайдим, чарчадим, соғлигим етмаяпти. Ҳозирги болаларга ақлим, билимим ожизлик қилиб қолди, энди ёшлар ишласин, десам худбинлик бўладими... Нега бир-биримизни тўғри тушунмаймиз? Ҳайронман, ёлғон гапга дарров ишонишади-ю, рост сўзингга қулоқ солишмайди!

У бир лаҳза жим қолди. Нафасини ростлади. Кейин мудирга юзланди:

— Жамият тараққиётига қўшилиш, бу тараққиёт билан баравар юриш қўлимиздан келмаса ортиқча чиранишнинг нима кераги бор? Бордию, мен шуни сезган бўлсам, шуни тан олиб турсам — бу айбми? Олдин ҳам неча марта келдим ҳузурингизга. Ҳар гал пайсалга соласиз. Ҳурматингизни қилдим, индамай қайтиб кетавердим. Энди эса...

Алмат аканинг мактаби районда энг илғор, ҳамма томондан намунали. У директорликни топширса мактабнинг обрўси нима бўлади? Янги директор бу обрўни сақлаб қола оладими? Ахир, мактаб бутун районнинг фахри-ку!

Мудирнинг ташвиши бу ёқда эди. Директорнинг аризасига қўл қўймай галга солишининг боиси ҳам шу.

Алмат ака уни ишонтирди: мактабнинг обрўсини сақлаб қола оладиган, шуҳратини яна ҳам оширишқўлидан келадиган ёшлар бор...

Бу гапдан мудирнинг кўнгли ўрнига тушди...

Алмат ака аввал қўлидаги баргнинг томирларига, сўнг ўзининг қўл томирларига разм солди. Озғин қўлларида бўртиб турган томирлар ҳали унча-мунча ишни писанд қилмаётгандек туюлди. У ички бир қониқиш, қандайдир хурсандлик ҳиссини туйди... «Директорликдан бўшаганим билан қиладиган ишларим кўп ҳали... Ўғил-қизларим, невараларим...»

— Ассалому алайкум, домла.

Алмат аканинг хаёли бўлинди. Қаршисида шогирди — ёш адабиёт муаллими турарди.

— Ёлғиз нима қилиб ўтирибсиз бу ерда?

Алмат ака унга ёнидан жой кўрсатди.

— Ўтиринг. Шошилмаяпсизми? Қаерга кетяпсиз?

— Йўқ. Кинофикациядаги ўртоғимнинг олдига боравётган эдим. Янги фильм келганмиш. Ўқитувчилар ҳаётидан экан. Гаплашиб кўрай, мактабимизга олиб бориб кўрсатса, яхши бўларди.

«Директорликка бунинг номзодини кўрсатиб чакки қилмадим. Жуда қуйи-пиши йигит. Ўз фанини, умуман, мактабни, болаларни яхши кўради. Ана шундайлар директор бўлгани тузук».

— Ҳозир сизни ўйлаб ўтиргандим.

— Мени? Қизиқ-ку.

— Ҳа, сизни, — деди Алмат ака шогирдига синовчан тикилиб.

— Биласизми, мен ҳозир районо мудирининг олдидан келяпман...

Алмат ака бўлган гапнинг ҳаммасини айтиб берди.

— Бундан бир ойча илгари ёш шоирлар билан учрашув ўтказмоқчи бўлганингизда мен қатнашолмайман, деганим эсингиздами? Сабабини энди билдингизми?

— Қўйинг, домла, биз адабиётни сизчалик тушунишимизга ҳали анча бор.

— Йўқ, ўғлим. Гапларимни сохта камтарлик, деб ўйламанг. Бори шу. Сизга айтадиган муҳим гапим бор. Менинг аризамга қўл қўйди.

Муаллим ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Нималар деяпсиз, домла?! Мактабнинг ҳоли не кечади?

— Хавотир олманг. Ҳаммаси яхши бўлади... Майли, ҳозир йўлдан қолманг. Бошқа гапларни эртага педсоветда гаплашамиз. Хайр, омон бўлинг...

...Улар ота-болалардай хайрлашдилар. Алмат ака шогирдининг орқасидан қараб қолди. Унинг юришида қандайдир вазминлик, салобат бор эди. «Уялтирмайди... Ишонаман...»

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ.

• Реклама ва эълонлар •

Тошкент политехника институти

КЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ

(«Олий ўқув юртига кириш ва касбга йўналтириш тайёрлов бўлими»)

1989-90 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишловчи илғор ишчилар, шунингдек, СССР Қуролли Кучлари сафида хизматини 1988 йилнинг ноябрь-декабрь, 1989 йилнинг май ва ноябрь ойларида ўтаб бўлганлар, КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1983 йил 17 январь қарори билан жорий этилган «Имтиёз ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома» ва СССР Министрлар Советининг 1981 йил 23 февраль 209-рақамли қарори билан жорий этилган «Инвалиднинг имтиёз ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома» эгалари хизмат муддати ва запасга қачон бўшатилганидан қатъий назар қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар камида икки йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак. Йўлланма меҳнат коллективлари ва ҳарбий қисмлар шахсий состави мажлиси қарори асосида партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари тавсияси билан корхона, ташкилот раҳбарлари, шунингдек, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан юборилади.

Тайёрлов бўлими тингловчиларни институтнинг барча факультетларида (архитектура факультетидан ташқари) ўқишни давом эттириш учун қабул қилади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:

ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, характеристика, 3х4 см, катталикдаги 8 та фотосурат (бош кийимсиз), медицина справкаси (086/У форма), паспорт ва ҳарбий мажбурият тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР 20 АВГУСТДАН 25 СЕНТЯБРГАЧА, ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН 28 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчиларга суҳбат олдидан математика ва физика бўйича консультация ва обзор лекциялар ўтказилади.

Суҳбат 25 сентябрдан ўтказилади.

Тайёрлов бўлимига қабул қилиш математика ва физикадан ўтказилган суҳбат натижаси бўйича бўлади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент политехника институти кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларининг 1 курсига танланган ихтисослик бўйича тингловчи истагига биноан кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Шайҳонтовур кўчаси, 10-уй, 18, 23-хоналар, қабул комиссияси.

Транспорт: 7, 8, 11, 16-трамвайлар; 8, 18, 20-троллейбуслар; 28, 91-автобусларнинг «Санъат саройи», «Шайҳонтовур» бекатлари.

Чирчиқ шаҳрида яшовчилар Тошкент политехника институтининг тайёрлов бўлимига киришни истасалар, институтнинг шу шаҳардаги филиалига мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

Репертуари плани

2 сентябрда — ИОЛАНТА.
3 сентябрда — ЧИПОЛЛИНО (12.00), КАРМЕН (19.00).
5 сентябрда — МАИСАРАНИНГ ИШИ.
6 сентябрда — ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
7 сентябрда — КНЯЗЬ ИГОРЬ.
8 сентябрда — РАЙМОНДА.
9 сентябрда — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
10 сентябрда — АЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (12.00), ТЎМАРИС (19.00).
12 сентябрда — АИДА.
13сентябрда — БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ.
14 сентябрда — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
15 сентябрда — БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР.
16 сентябрда — МАСХАРАБОЗЛАР.
17 сентябрда — ГЎЗАЛ ВАСИЛИСА (12.00), ДОН КАРЛОС (19.00).
19 сентябрда — ФАУСТ.
20 сентябрда — ДОН КИХОТ.
21 сентябрда — ХИВА ОРДЕНИ.
22 сентябрда — ЧИО-ЧИО-САН.
23 сентябрда — КОНЦЕРТ.
24 сентябрда — ЭТИК КИИГАН МУШУК (12.00), ГОФМАН ЭРТАКЛАРИ (19.00).
26 сентябрда — ЗЕБУННИСО.
27 сентябрда — ҚУЁШГА ТАЪЗИМ ҚИЛ.
28 сентябрда — ОТЕЛЛО.
29 сентябрда — УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ.
30 сентябрда — ПЕТР БИРИНЧИ.

Билетлар театр кассасида соат 10.00 дан 19.30 гача сотилади. Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

СПРАВКАЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР — 33-90-81, 33-33-44.

●

СССР Сув хўжалиги министрлиги
Бутуниттифоқ раҳбар ходимлар малакасини ошириш институтининг
ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ
кафедралар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Доцентлар (0,25—2), катта ўқитувчи: сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш;

мудир, доцент, катта ўқитувчи: сув хўжалиги қурилиши ва қурилиш индустрияси.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар конкурслар ҳақидаги низомга мувофиқ қуйидаги адресга жўнатилсин: 700128, Тошкент шаҳри, Парашют кўчаси, 17-уй.

●

25 АВГУСТ СОАТ 19.00 ДА
СССР 52-ЧЕМПИОНАТИ
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «АСК» (Карпати).
1-лига командалари ўртасида
ФУТБОЛ

Танаффус пайтида спортбуюм лотереяси ўйналади.

Серияларнинг номерлари — 032000 дан 034000 гача.

Билетларни ўз вақтида сотиб олишларингизни сўраймиз.

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари (Совет циркининг 70 йиллигига бағишланади — 19.30).

Ўзбекистон Кўрлар жамияти Марказий правлениесининг президиуми Андижон область кўрлар жамияти правлениеси раиси Қ. Мирзаахмедовга отаси

Комилжон МИРЗААҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти маъмурияти институт илмий ходими О. Искандаровага отаси

Раҳимбой ИСКАНДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат университетининг амалий математика ва механика факультети коллективи ҳисоблаш математикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси Г. П. Исматуллаевга онаси

Руқия ИСМАТУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Геология бош бошқармасининг Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда разведка қилиш институти коллективи институтнинг етакчи инженери Л. Ш. Анорқуловага синглиси

Ҳусния Шомуродовна ОДИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЯНГИ МАКТАБ ИШ БОШЛАДИ

● Янги мактаб ўз вақтида фойдаланишга топширилди. Илгари бундай воқеалар кам бўларди. Эндиликда эса аниқ мўлжалланган муддатда, ўқув йили бошланишига қариб бир ой қолганда Ўзбекистон станциясида — Тошкент билан Янгийўл оралиғида янги, замонавий ускуналари бўлган мактаб фойдаланишга топширилди. Буюртмачилар «Средазтрансстрой» трести бригадалари бажарган иш сифатига юксак баҳо беришмоқда.

(ЎзТАГ).

БЕЗОРИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Газеталарнинг шанба сонларида Тошкент областидаги ҳарбий қисмлардан бирида номаълум шахслар оғир жиноят қилганликлари ҳақида хабар берилган эди. Улар иккита автомат ва ўқ-дориларни ўғирлаб кетишган эди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг матбуот группасидан хабар қилишларича, безорилар қуролсизлантирилган, ўғирланган қуроллар тортиб олинган.

Уларни бир ҳафта қидиришди. Республика Ички ишлар министрлиги жиноий қидирув ишлари, Тошкент область ва шаҳар ижроия комитетлари ички ишлар бошқармалари, Туркистон ҳарбий округи алоҳида бўлимининг ходимларидан тузилган махсус группалар турли хил тахминларни ишлаб чиқдилар, гражданларнинг ёрдамига таянди лар. Бедор ўтказилган машаққатли тунлар, ўз ишини билимдонлик билан олиб бориш кутилган натижаларни берди. 20 август куни жиноятчилар Тошкентда қўлга олинди. Улардан бирининг уйидан ўғирланган қурол ва ўқ-дорилар чиқди.

21—23 ёшлардаги уч ёш йигит объектни қўриқлаб турган икки соқчини ваҳшийларча ўлдирдилар. Шу иш юзасидан тергов бошланди, тергов манфаатларини кўзлаб, ҳозирча жиноятчиларнинг исм-шарифлари, бошқа далиллар айтилмаяпти.

Ваҳшийларча қилинган ҳаракат ёшларимизни таҳдиялаш, коллективнинг роли (жиноятчиларнинг икки нафари ишларди), гражданлик позициямиз ҳақида ўйлашга мажбур этади. Уйида автоматларни сақлаган, шаҳар марказидаги квартирада уни бевосита синаб кўрмоқчи бўлган, ундан икки марта ўқ узган кишини наҳотки ҳеч ким пайқамаган бўлса. Шундай савол туғилади: наҳотки ҳеч ким ўзи билан девор-дармиён қўшниникида ўқ отилганини эшитмаган, эшитган тақдирда хабар қилмаган бўлса?

Ҳеч шубҳа йўқки, тергов ва суд ана шу жиноят нима сабабдан содир этилди деган саволга жавоб беради, безорилар эса қилмишларига яраша жазоланадилар.

(ЎзТАГ).

• Спорт

СУЗИШ: ОЛТИН ВА КУМУШ

Швецияда ўтказилаётган Европа чемпионатида совет спортчилари муваффақиятли куч синашмоқдалар. 4х100 метрга эстафетали сузишда тошкентлик Сергей Заболотнов командадошларининг марраде биринчи бўлишига муносиб ҳисса қўшиб, олтин медали бўлди. У шунингдек, 100 метрга сузишда ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● Биринчи лига. «Гурия» ва «Фақел» коллективлари учрашуви билан навбатдаги тур ўйинлари бошланди. Грузин футболчилари ғалаба (3:0) қозониб, 36 очко билан иккинчи ўриндаги мавқеларини мустаҳкамлашди. Қолган ўйинлар кеча бўлиб ўтди.

● Хотира совғини. Собиқ пахтакорчи Михаил Ан хотирасовғини учун ўтказилган Тошкент область биринчилигида «Қибрай» саҳкин ичимликлар комбинатининг «Пепсико» коллективи муваффақият қозонди.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

Р. — 11907. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. — 194. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12